

Мақлодди Наваҳоний

لا اله الا الله محمد رسول الله

ХИЗБИЙ УЧУШИМА

ХИЗБУТ ТАХРИР
НАШРЛАРИДАН
1424х – 2003м

Тақийюддин Набахоний. Ҳизбий уюшма
Ўзбек тилидаги тўртинчи,
тузатилган ва тўлдирилган нашри
1425 ҳижрий - 2004 милодий йил

ҲИЗБИЙ УЮШМА

XIII ҳижрий (XIX милодий) асрдан бошлаб уйғониш учун бир неча ҳаракатлар юзага келди. Улар - гарчи ўзидан кейингиларда қайта уринишлари учун кучли таъсир қолдирган бўлса ҳам - муваффақиятсиз уринишлар бўлди. Бу уринишларни кузатган, бу ҳаракатларни ўрганиб чиққан киши буларнинг барчасининг муваффақиятсизлигидаги асосий сабаб уюшиш жиҳатидан тўрт ишга боғлиқ эканини кўради:

Биринчиси - бу ҳаракатлар аниқ белгиланмаган умумий, ҳаттоки ноаниқ ёки ноаниққа ўхшаш фикрат асосига қурилган эди. Бунинг устига фикрат тиниқлик, поклик ва софликни йўқотган эди.

Иккинчиси - бу ҳаракатлар ўз фикратини ижро қилиш учун тариқатини билмас, балки фикрат шошилиш ва чалкаш воситалар билан олиб борилар, бундан ташқари улар ноаниқлик ва мубҳамлик қуршовида қолган эди.

Учинчиси - бу ҳаракатлар соғлом онги камолига етмаган ва тўғри продага эга бўлмаган, балки рағбати ва ғайратигина бўлган шахсларга суянар эди.

Тўртинчиси - бу ҳаракатлар юкини ўз гарданига олган шахслар ўртасида баъзи бир ишлар ва бир неча номлар кўринишидаги қуруқ уюшишдан бошқа тўғри робита (одамларни ўзаро боғлаб турувчи омил) бўлмаган эди.

Шунинг учун бу гуруҳларнинг ўзидаги бор куч-ғайрати тугагунча интилиши, сўнгра ҳаракати сўниб, инқирозга учраши табиий эди. Улардан кейин бошқа шахслар тарафидан бошқа ҳаракатлар юзага келиб, булар ҳам бор куч ва ғайратларини муайян чегарагача сарфлаб тўхтаб қолар эдилар ва ҳолат шундай давом этар эди.

Бу ҳаракатларнинг барчаси муваффақиятсиз-ликка учраши табиий эди. Чунки улар аниқ, равшан ва тўғри фикратга асосланмаган, тўғри тариқатни билмаган, онгли шахслар ва тўғри робитага таянмаган эди.

Фикрат ва тариқат мавзусига келсак, уларнинг хатолиги ушбу ҳаракатлар асосланган фалсафанинг - агар уларнинг фалсафаси бор деб фараз қилинса - хатолигида яққол намоён бўлади. Бу ҳаракатлар исломий ва миллатчилик ҳаракатлари эди. Исломий ҳаракатларни бошқараётганлар Исломга умумий, очиқ шаклда даъват қилар ва Исломни ўша вақтдаги мавжуд вазиятларга ёки олиниши хоҳланаётган бошқа тузумларга мувофиқ келадиган қилиб тафсир қилишга уринар эдилар. Токи Ислом шу вазият ва тузумларга татбиқ қилиниш учун яроқли бўлсин ва бу таъвиллар уларнинг сақланиб қолиши ва олинишини оқласин. Миллатчилик ҳаракатларини бошқараётганларга келсак, улар орасидаги араблар «Ислом ва мусулмонлар» деган тушунчаларни эътиборга олмаган ҳолда, арабларни ноаниқ-чигал миллатчилик асосида

уйғонишга чақирар эдилар. Улар «миллийлик», «иззат», «шон-шараф», «араб», «чин араблик», «мустақиллик» ва шу каби сўзларни шиор қилиб кўтарар эдилар. Бироқ, улар бу сўзларда уйғониш моҳиятига мос келадиган ҳеч қандай равшан тушунча йўқ эканини билмас эдилар. Турклар эса миллатчилик асосида туркий ватаннинг уйғонишига чақирар эдилар. Миллатчиликка чақираётган араб ва турклар Балқонни Исломиё давлат бўлган Усманий Давлатдан мустақил бўлиши учун худди шундай миллатчилик ҳаракатлари билан бошқараётган мустамлакачи томонидан бошқарилар эдилар.

Араблар ичида бу икки ҳаракат - исломиё ва миллатчилик ҳаракати вакиллари ўртасида «Араб давлатлари бирлиги» ёки «Исломиё давлатлар бирлиги»нинг қайси бири афзал ва уйғониш учун яқин йўл? - деган мазмунда рўзнома ва мажаллаларда қуруқ тортишувлар бўлди. Узоқ вақт натижасиз ҳаракатлар билан ўтди. Чунки «Араб давлатлари бирлиги» ҳам, «Исломиё Давлатлар бирлиги» ҳам зеҳнларни **ИСЛОМИЙ ДАВЛАТ**дан буриш учун ишлаб чиқилган мустамлакачилик лойиҳаси эди. Шунинг учун бу ҳаракатларнинг муваффақиятсизлиги фақат натижасизликка чекланиб қолмади, балки бундан ҳам ўтиб, Исломиё Давлатни кўзлар ва зеҳнлардан узоқлаштириб юборди.

Мустамлакачи кофир Исломиё Давлатнинг ерларини босиб олиши ҳамда капиталистик тузум татбиқ қилиниши сабабли одамларнинг бошига тушаётган сиёсий ва иқтисодий зулм натижасида Исломиё ва миллатчилик ҳаракатлари ёнида турли исломиё ўлкаларда ватанпарварлик ҳаракатлари юзага келди. Бу ҳаракатлар мана шу аламларнинг натижасида юзага келганига қарамасдан, баъзиларида исломиё жиҳат ҳукмрон бўлиб қолган бўлса, баъзиларида мустамлакачи кофир олиб борган сунъий ҳаракатлар сабабли қуруқ ватанпарварлик жиҳати ҳукмрон эди. Мазкур ҳаракатлар мана шу ватанпарварлик жиҳати туфайли қўзғалди ва улар, ўзини бошқарадиган фикр етишмаслигидан ташқари, умматни душманнинг қадамларини мустаҳкам-лаган арзон кураш билан машғул қилди.

Биз уйғонишнинг ҳақиқий фалсафаси фикрат ва тариқатни ўзида жамлаган мабда, деб эътиқод қиламиз. Бу мабда - Ислондир. Зеро у ақидадир, ундан давлат ва умматнинг барча ишлари учун низом ҳамда ҳаётнинг барча муаммолари учун ечим келиб чиқади. Ислон оламшумул низом бўлса-да, бутун дунё бўйлаб фаолият бошлаш унинг тариқатидан эмас. Балки унга дунё миқёсида даъват қилиниши ва унинг учун бир ёки бир неча ўлка фаолият майдони қилиб белгиланмоғи лозим. Шунда Ислон у ерларда мустаҳкам ўрнашади ва табиий равишда ўсиб борадиган Исломиё Давлат барпо бўлиб, аввало барча исломиё ўлкаларни ўз ичига олади. Кейин Ислонни оламнинг бошқа тарафларига ўзининг рисолати деган эътиборда ва умуминсоний абадий рисолат деган эътиборда ёяди.

Бутун олам Исломиё даъват учун яроқли макондир. Бироқ, Исломиё юртлар аҳолиси Ислон динида бўлгани сабабли даъват шу ерларда бошланиши лозим. Араб юртлари - исломиё юртларнинг бир қисми

сифатида - Исломнинг асосий бўлаги ҳамда исломий сақофатнинг таркибий қисми бўлган араб тилида сўзлашгани сабабли, бу даъватни бошлаб олиб бориш учун энг муносиб ўлка ҳисобланади. Исломда таъсир қилиш, кенгайиш ва ёйилиш қудрати борлиги туфайли, араб тили қудратини Ислом қудрати билан аралаштириш зарур, токи араб тили Ислом билан бирлашиб кетсин. Шунга кўра, барча Ислом юртларини ўз ичига оладиган Исломий Давлатнинг негизи бўладиган Исломий Давлат араб юртларида пайдо бўлиши табиийдир. Араб юртларида Исломга даъват қилиш шарт бўлгани каби бошқа Исломий юртларга ҳам даъват юборилиши шарт. Фаолиятни араб юртларида бошлаш дегани Исломий юртларнинг барчасини Исломий Давлатда бирлаштирмагунча араб юртларидан бошқа ерда фаолият олиб борилмайди, дегани эмас. Балки араб юртларида Исломий Давлат барпо қилиш учун иш олиб борилади, сўнгра бу давлат қўшни юртларга - улар араб юртлари ёки бошқа юртлар бўлишидан қатъий назар - кенгайиб боради.

Уйғонишнинг ҳақиқий фалсафаси - фикрат ва тариқатни ўзида жамлаган мабда, деб айтиб ўтдик. Уйғонишга олиб борадиган жиддий фаолият билан шуғулланишни кўзлаган ҳар қандай уюшма бу иккисини яхши тушуниб олиши зарур.

Ушбу мабда равшан бўлди ва уюшмоқ учун уни тушуниб олиш осон бўлиб қолди. Шунинг учун, мабда бундай тарзда етарли баён қилинган, уни шундай тушунишдан сўнг вужудга келган уюшма таъсир кўрсатувчи, ижодкор, юксалиб боровчи бўлиши ҳамда жамяят уни ўз бағрига олиб, уни ҳимоя қилишга ва унинг юкларини ўз устига олишга лойиқ бўлиши табиийдир. Чунки у ўз фикратини ўзлаштириб олган, тариқатни кўриб-билиб, масаласини тушуниб олган уюшмадир.

Лекин уюшма мабдани яхши тушуниб олганининг ўзи ҳақиқий уйғонишга олиб бормади, балки уюшмадаги шахслар мазкур уюшмага яроқли бўлса ва бу шахсларни гуруҳда боғлаб турадиган робита ҳақиқий самарали робита бўлсагина ҳақиқий уйғонишга олиб боради. Шахсларнинг яроқли экани уюшмадаги боғлаш тариқатига кўра белгиланади. Мабдаий ҳизб ақидани қабул қилишни ва ҳизбий сақофатда етилишни ўз уюшмасига боғлаш тариқати қилиб белгилайди. Шунинг учун шахсларнинг яроқлилиги даъват шахслар билан бирикиб кетган вақтда ҳизбга қўшилишлари билан табиий белгиланади. Демак, уларнинг яроқлилигини белгиланган нарса ҳизб ҳайъати эмас, балки боғлаш тариқати бўляпти. Чунки бу шахсларни гуруҳда боғлаб турган робита **ақида** ва шу ақидадан келиб чиққан ҳизбий **сақофат**дир.

Агар биз XIX аср мобайнида юзага келган ҳаракатлардаги уюшишларни кўздан кечирсак, уюшишнинг ногўфри тариқати уларнинг муваффақиятсизликка учрашларининг асосий сабаби бўлганини кўрамиз. Чунки улар ҳақиқий тушуниш оқибатида вужудга келган ҳизбий асосга эмас, балки қуруқ тўпланиш асосига ёки номигагина бўлган ҳизбий асосга қурилган.

Бунинг сабаби шундан иборатки, мусулмонлар Биринчи жаҳон урушидан олдин ўзларининг Исломи Давлатлари бор деб ҳис қилар эдилар. Бу давлат - заифлиги, қулаётгани ва унга ҳар хил назарда қаралаётганидан қатъий назар - ҳаммининг диққат-эътиборида эди. Араблар: «Давлат - бизнинг ҳаққимизни поймол қиляпти, устимиздан ҳукмрон бўлиб олган», деб ҳисоблар эдилар. Лекин, шундай бўлса-да, ислоҳ қилиш мақсадида унга бутун диққат-эътиборларини қаратар эдилар. Чунки ҳар ҳолда бу давлат уларнинг ҳам давлати эди. Уларга уйғониш моҳиятини ва унинг тариқатини тушуниш етишмас ҳамда улар ўртасида уюшиш ҳосил бўлмаган эди. Биз айта оламизки, бундай кишилар мусулмонларнинг кўпчилик қисмини ташкил қилар эди.

Лекин у асрда ажнабий сақофат Ислому юртларига ҳужум қилган эди. Унинг воситасида мустамлакачилар бир гуруҳ мусулмонларни ўзларига жалб қилиб, уларни Исломи Давлат ичида «ажралиш» ва «мустақиллик» асосида ҳизбий уюшмалар тузишга қизиқтира олди. Мустамлакачилар хусусан бир гуруҳ арабларни ўзларига жалб қилиб, «Арабларнинг Усмони Давлатдан мустақил бўлиши» номи остида Исломи Давлатга қарши кураш олиб борадиган гуруҳ ташкил қилиш мақсадида уларни Парижда тўплашга муваффақ бўлди. Улар ўртасини ўша ажнабий сақофат, ажнабий фикрлар ҳамда мустамлакачи кофир уларда пайдо қилган ватанпарварлик ва миллатчилик туйғулари бирлаштирди. Натижада уларнинг ақлий ва шуурий робиталари ягона робитага айланиб, уларни ягона мантис бирлаштирди. Бу нарса мақсад бирлигига олиб борди. Мақсад эса Усмони Давлат арабларнинг манфаатларидан кўз юмгани, уларга зулм қилиш ва ҳуқуқларини поймол қилишни ўзига жоиз деб билгани сабабли, араб ҳалқининг мустақиллиги эди. Мана шу «ягона мақсад» арабларнинг номига ҳизбий суратда уюшишлари учун қурол бўлди. Бу нарса «Араб қўзғолони»ни тайёрлашга олиб борди. Натижада Ислому юртлари, хусусан араб юртларига куфр ва мустамлакачиликнинг нуфузи ёйилди. Шу билан бу ҳизбларнинг вазифаси ниҳоясига етди. Бу ҳизблар баъзи исломи юртларда мустамлакачининг малай ҳокимлари бўлиб қолишлари билан ўлжаларни тақсимлаб олишди.

Ислому Давлати йўқ қилинган, унинг ўрнини мустамлакачи эгаллаб олди ва араб юртларини бевосита бошқариб, қолган исломи юртларга нуфузини ёя бошлади. Шундай қилиб, у араб юртларини билфеъл босиб олди ҳамда ўзининг махфий услуб ва ифлос воситалари билан унинг ҳар бир бўлагида қадамларини мустаҳкамлай бошлади. Ажнабий мустамлакачилик сақофати, мол-дунё ва гумашталар бу услуб ва воситаларнинг энг муҳимлари эди.

Дарҳақиқат, куфр ва мустамлакачиликни мустаҳкам ўрнатишда, уйғониш амалга ошмаслигида ва уюшган ҳаракатлар - улар хоҳ жамият, хоҳ ҳизб шаклида бўлсин - муваффақият қозонмаслигида ажнабий сақофатнинг катта таъсири бўлган эди. Чунки ҳаёт оқимида таъсир кўрсатувчи инсон фикрига сақофат катта таъсир кўрсатади. Мустамлакачи таълим ва сақофат дастурларини ҳаёт ҳақидаги ўз нуқтаи

назари бўлган муайян фалсафа, яъни «моддани руҳдан ва динни давлатдан ажратиш» асосида ишлаб чиқди. Ёлғиз ўз шахсиятини сақофатимиз олинадиган асос қилиб қўйди. Дунёқараш, тушунчалари, юртларини ташкил қилувчи омилларни, тарихини ва муҳитини биз ақлларимизни тўлдириб оладиган фикрлар учун асосий манба қилиб қўйди. Мустамлакачи бу билан кифояланиб қолмади, балки ўз шахсиятидан бизга бераётган тушунча ва ҳақиқатларида қасддан чалғитишни ҳам ишлатди. Бу шахсиятда мавжуд мустамлакачилик суратини тескари кўрсатиб, унга ўртак қилиб олинадиган намунавий шакл ҳамда усиз яшаш мумкин бўлмайдиган кучли ғоя тусини берди ва ифлос услублари ёрдамида ўзининг ҳақиқий башарасини яширди. Сўнгра бу дастурларнинг бирорта қисми ҳам ўша умумий асосдан ташқарига чиқмаслиги учун уларнинг тафсилотларигача аралашди. Шунинг учун биз бузуқ сақофат билан тарбияланган «зиёлилар» бўлиб қолдик. Бу сақофат бизга бошқалар қандай фикр юритишини ўргатди ва, табиийки, бизни ўзимиз қандай фикр юритишимизни ўрганишдан ожиз қилиб қўйди. Чунки фикримиз муҳитимиздан, шахсиятимиздан, тарихимиздан узилиб қолган ва мабдаимиздан келиб чиқмаган эди. Бу билан биз «зиёлилар» сифатида халқдан бегона ҳамда ўз муҳитимизни ва унинг эҳтиёжларини англамайдиган бўлиб қолдик. Шу сабабдан бу «зиёлилар»нинг туйғулари фикрларидан, ақлларидан ажралиб қолди ва табиийки, улар умматдан, унинг туйғулари ва сезгиларидан ажралиб қолди. Табиийки, бундай фикр Ислом юртларидаги мавжуд вазиятни ва уммат эҳтиёжларини тўғри тушунишга ҳамда уйғониш йўлини англашга олиб бормас эди. Чунки бу фикрлар туйғудан холи бўлмаса-да, туйғудан ажралиб қолган эди. Бундан ташқари, бу фикр исломий туйғуга эга бўлган шахс кўтариб юрган ажнабий фикр эди. Бинобарин, бу фикр тўғри тушуниш сўнгида вужудга келган тўғри уюшмага олиб бормаслиги табиий эди. Ажнабий сақофатнинг таъсири «зиёлилар»нинг ўзига чекланиб қолмади. Бу сақофат тарқатаётган фикрлар сабабли бутун жамиятнинг фикри туйғусидан ажралиб қолди. Бунинг оқибатида жамиятдаги муаммо чигаллашди ва тўғри ҳизбий уюшма зиммасидаги уйғониш юкининг оғирлиги Биринчи жаҳон урушидан олдингига қараганда бир неча баробар ортди. Чунки аввал уммат ёки ҳизб олдида турган муаммо Исломий жамиятни уйғотиш муаммоси бўлган бўлса, ҳозирги муаммо зиёлиларда фикр ва туйғу уйғунлигини вужудга келтириш ҳамда жамиятдаги шахслар ва жамоатлар ўртасида, хусусан зиёлилар билан жамият ўртасида фикр ва туйғу уйғунлигини вужудга келтириш бўлиб қолди. Зеро, бу зиёлилар туйғудан холи, қуруқ ажнабий фикрга ихлос қилган эдилар. Бу ихлос уларни ўз жамиятларидан бегоналашиб қолиш, уни камситиш, ундан узоқлашиш ва унга эътиборсизлик билан қарашга олиб борди. Шунингдек, бу ихлос уларни - гарчи мустамлакачи бўлса ҳам - ажнабий билан дўстлашиш, уни ҳурмат қилиш, унга яқинлашиш ва унга эътибор билан қарашга ундади. Шунинг учун бундай «зиёли» ўз юртидаги мавжуд вазиятларни тасаввур қила олмайди. Ажнабий ўз юрти вазиятларини

қандай тасаввур қилса, у ҳам унга тақлид қилиб, ўз юрти вазиятларини - бу вазиятларнинг моҳиятини англаб етмаган ҳолда - шундай тасаввур қилиши мумкин. Шу туфайли бу зиёли киши умматни уйғонишга олиб борувчи омилларни ажнабий шахс уйғонишлар ҳақида гапирганда фақат унга тақлидан биладиган бўлиб қолди. Бу зиёлининг сезгилари мабда учун ҳаракатга келмайди. Балки ватан, миллат учун ҳаракатга келади, бу эса хато ҳаракатдир. Шунга қарамасдан, у ўз юрти учун чинакамига қўзғалмайди ва халқи учун ўзини бутунлай фидо қилмайди. Чунки у ўз атрофидаги вазиятларни фикран сезмайди ва халқ эҳтиёжларини фикран ҳис қилмайди. Фаразан у қўзғалиб, уйғонишни талаб қилса ҳам, бу унинг шахсий манфаатларига зарар етганидан юзага келган ёки бошқа халқларнинг қўзғолонларига тақлид бўлган қўзғалиш бўлади. Шунинг учун унга мансаб берилиши ёки унинг талаблари қондирилиши билан унга етаётган зарар йўқолган пайтда қўзғалиш ниҳоясига етади. Шунингдек, қўзғалиш шахсияти ва манфаатларига зид келган пайтда ёки бу қўзғалишдан ўзига озор етган пайтда ҳам унинг қўзғалиши ниҳоясига етади.

Бундай зиёли энг тўғри мабдаий сақофат, яъни Ислом сақофати билан янғидан тарбиялаш орқали унинг фикри ва туйғуси ўртасида уйғунлик пайдо қилиниб даволангандан кейингина унда тўғри уюшма вужудга келиши мумкин. Бундай тарбия орқали даволаш уни ақли янғидан шакллантирилиши лозим бўлган ўқувчи деб эътибор қилишни тақозо этади. Бу муаммо ечилгандан кейин у билан жамияти ўртасида уйғунликни пайдо қилишга ўтилади. Шунда «жамиятни уйғотиш» муаммосини ҳал қилиш осон кечади. Агар ажнабий сақофат бўлмаганда, уйғониш машаққатлари ҳозиргидан кўра озроқ бўлар эди.

Шунга биноан, жамиятдаги бундай ажнабий сақофат билан бирга тўғри ҳизбий уюшма вужудга келиши мумкин эмас ва унинг асосида ҳам бундай уюшма вужудга келиши мумкин эмас.

Мустамлакачи кофир бу сақофат билан кифояланмади, балки муҳитни сиёсий ва фалсафий фикр ва раъйлар билан заҳарлади. Булар воситасида мусулмонлардаги тўғри нуқтаи назарни ҳамда Исломий муҳитни бузди ва ҳаётнинг турли соҳаларида мусулмонларнинг фикрини чалкаштириб юборди. Мустамлакачи бу билан мусулмонлардаги табиий ҳушёрликларнинг асоси бўлган марказни йўқ қилди. Уйғониш йўлидаги ҳар қандай ҳаракатни - бўғизланган жониворнинг ҳаракатлари каби - сўниб қолиш, умидсизлик ва таслим бўлиш билан интиҳосига етадиган тартибсиз зиддиятли ҳаракатга айланадиган қилиб қўйди. Ажнабий ўз шахсиятини сақофат маркази ва ҳамма интиладиган жой қилиб қўйишда сиёсатчилардан ҳам фойдаланиб, сиёсий кишилар ёки сиёсат билан шуғулланувчиларнинг бутун диққат-эътиборини ажнабийдан ёрдам сўраш ва унга суянишга қаратиб қўйди. Шунинг учун уюшмаларнинг аксарияти ўзлари сезмаган ҳолда ажнабийлардан ёрдам сўрашга интила бошлади. Натижада Исломий юртларда ажнабий давлатлардан ёрдам сўрашни ёқлайдиганлар чиқди. Ҳолбуки улар ажнабийдан ёрдам сўраш ва

ажнабийга суянишни ҳар қандай қўллаб-қувватлаш (у суяниш қай турли бўлмасин) - гарчи яхши ниятда бўлса-да - ажнабий тарафидан амалга оширилаётган заҳарлаш ҳамда умматга хиёнат деб эътибор қилинишини англамас эдилар. Улар ўз масаламизни бошқаларга боғлиқ қилиб қўйиш сиёсий ҳалокат эканини билмайдиган бўлиб қолдилар. Шунинг учун фикри ажнабийга суяниш ёки уни қўллаб-қувватлаш билан заҳарланган уюшмалардан бирортасининг вужудга келишида муваффақият бўлиши мумкин эмас.

Шунингдек, мустамлакачи - жамиятни тор иқлимийлик ғоялари билан заҳарлагани каби - ватанпарварлик, миллатчилик ва социализм ғоялари билан ҳам заҳарлади ва бунинг ҳозирги кунда қилинадиган ишларнинг асосига айлантирди. Шунингдек, Исломиё Давлат тикланиши амалга ошмайдиган иш деб, маданияти, ирқи ва тили ҳар хил бўлган исломий юртларнинг бирлашиши иложсиз нарса деб ҳам заҳарлади. Ҳолбуки, уларнинг ҳаммаси ягона уммат бўлиб, бу умматни ўзидан низоми келиб чиқадиغان **ИСЛОМИЙ АҚИДА** боғлаб туради. Шунингдек, жамиятни чалкаш сиёсий фикрлар билан ҳам заҳарлади - «Ол ва талаб қил», «Халқ - ҳокимият манбаи», «Ҳокимият халқники» ва бошқалар каби. Хато фикрлар билан ҳам заҳарлади - «Дин Аллоҳники, ватан барчаники», «Бизни аламлар ва орзулар бирлаштириб туради», «Ватан ҳамма нарсадан улуғ», «Ватанга шон-шарафлар» ва ҳоказолар сингари. Шунингдек, реалистик реакцион (воқеий жаҳолатпарастлик) фикрлар билан ҳам заҳарлади. Улар жумласига «Тузумимизни воқедан олаимиз», «Мавжуд ҳолатга рози бўлиш керак», «Реалист (воқеий) бўлишимиз лозим» ва ҳоказолар кирди.

Бу заҳарлашлар оқибатида Исломиё юртлардаги, жумладан араб юртларидаги жамият тўғри уюшма вужудга келишига олиб бормайдиган ҳолатга келиб қолди. Шунинг учун номигагина бўлган барча ҳизбий уюшмаларнинг муваффақият қозона олмагани ажабланарли эмас эди. Зеро, улар пухта тартиботга ва ишончли тайёргарликка олиб борувчи чуқур фикрга асосланмаган, балки умуман асоссиз барпо бўлган эди.

Мана шундан Ислом оламида, хусусан араб оламида вужудга келган ҳизблар мабдага асосланмагани сабабли тарқоқ ҳизблар бўлиши табиий эди. Уларни кузатишдан шу нарсалар яққол кўринадикки, бу ҳизблар ҳизбий уюшмаларнинг вужудга келишини тақозо этган шароитлар пайдо қилган ўткинчи муносабатлар асосида вужудга келган эди. Бу шароитлар ўтиб кетгач, улар ортидан ҳизблар ҳам ўтиб кетди ёки заифлашиб, йўқ бўлиб кетди. Ёки бу ҳизблар бир неча шахсларнинг ўзаро дўстлик ришталари сабабли бирлашиб, унинг асосида уюшишлари натижасида вужудга келган эди. Бу шахслар ўз доираларига чекланиб қолишлари натижасида уларнинг уюшишлари ҳам ниҳоясига етади. Ёки бу ҳизблар вақтинчалик шахсий манфаатлар ёки улардан ўзга нарсалар асосида вужудга келган эди. Шу сабабли, бундай муҳит ва жамиятларда мазкур асосларга биноан уюшган шахслар ўртасида мабда асосидаги ҳизбда мавжуд робита вужудга келмади. Бундай уюшмаларнинг борлиги

фойдадан холигина эмас, балки умматга зарарли бўлди. Жамиятда бундай ҳизбларнинг мавжудлиги энг тўғри ҳизбий ҳаракатларнинг вужудга келишини тўсиши ёки пайдо бўлишини кейинга суриб юборишидан ташқари, улар одамларнинг дилларига умидсизлик уруғларини экади, омманинг қалбини қорайтиради ва шубҳалар билан тўлдирди, гарчи тўғри бўлса-да, ҳар бир ҳизбий ҳаракатга ишончсизлик билан қарайдиган қилиб қўяди. Одамлар ўртасига шахсий ва уруғчилик адоватларини сепади ва уларга ўзининг услублари билан субутсизлик ва фойда ортидан қувишни ўргатади. Бошқача қилиб айтганда, халқнинг покиза табиатини бузади ва халқ ичидан чиқиши муқаррар бўлган тўғри ҳизбий уюшмалар устидаги юкнинг оғирлигини янада ортттиради.

Исломиё, миллатчилик ва ватанпарварлик ҳаракатлари сафига моддийлик асосига қурилган коммунистик ҳаракатлар қўшилди. Улар Россиядаги коммунистик ҳаракатга тобе бўлиб, унинг кўрсатмалари билан бошқарилар эди. Унинг тариқати бузиш ва вайрон қилишдан иборатдир. Унинг ғояси - Ислом юртларида коммунистик фикрларни вужудга келтириш билан бирга - бу ҳаракатларнинг раҳбарлари Шарқий лагернинг гумашталари сифатида Шарқий лагер фойдасига Ғарб мустамлакачилигига ташвиш туғдиришидан иборат эди. Бу ҳаракатлар Ислом умматига тўғри келмади ва бирор натижага эриша олмади. Чунки улар инсон фитратига хилоф ва Ислом ақидасига зид бўлгани учун муваффақият қозонмаслиги табиий эди. Улар ватанпарварликдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишди. Булар ҳам жамиятнинг тинкасини қуритаётган чигалликларга қўшилган яна бир чигаллик бўлди.

Жамиятлар асосида ҳам уюшмалар вужудга келди. Исломиё юртларда хайрия мақсадларини қўзлаган маҳаллий ва иқлимий жамиятлар вужудга келиб, мактаблар, шифохоналар ва етимхоналар қурди ва хайр-эҳсон ишларида қўмаклашди. Бу жамиятларда тоифачилик белгилари яққол кўриниб турар эди. Мустамлакачи бу жамиятларни қўллаб-қувватлади, натижада уларнинг хайрия ишлари одамларга кўринди. Уларнинг аксари маориф ва хайрия жамиятлари бўлиб, улар орасида сиёсий жамиятлар жуда кам учрарди.

Агар бу жамиятлар эришган натижаларга диққат билан қаралса, улар умматга фойда келтирадиган ёки уйғонишга ёрдам берадиган бирор натижа бермаганлиги маълум бўлади. Уларнинг зарари сезилмас даражада бўлиб, диққат билан қараган одамгагина кўринар эди. Ҳолбуки, жузъий фойдаларини эътиборга олмаганда, уларнинг мавжуд бўлиб туришининг ўзи катта зарар эди. Бунинг сабаби шуки, бутун Ислом уммати баъзи исломиё фикрларнинг мавжудлиги, баъзи шаръий ҳукмларни татбиқ қилаётгани ва унда Ислом таъсирида исломиё туйғулар ўрнашгани туфайли унда уйғониш сезгилари ва яхшиликка интилиш ҳис-туйғулари ҳамда уюшишга табиий мойиллик йўқолмаган эди. Чунки Исломнинг руҳи жамой руҳ бўлиб, агар Ислом уммати ўз ҳолига ташлаб қўйилса, бу сезги (мантиқий равишда) фикрга айланади ва бу фикр, ўз навбатида, умматда уйғонишга олиб борадиган фаолиятни пайдо қилади.

Лекин мазкур жамиятларнинг мавжудлиги бунинг олдини тўсди, чунки улар бу жўшқин ҳис-туйғуларни ва бу сезгини мазкур жузъий фаолиятга буриб юборди. Зеро, жузъий фаолият қилаётган жамиятларнинг ўзи ҳам жузъийдир. Сабаби - жамият аъзоси ўзининг мактаб ёки шифохона қурганини ёки эзгулик ишларидан бирига ҳисса қўшганини кўриб, роҳат ва хотиржамликни ҳис қилади ва шу иши билан қаноатланиб қолади. Аксинча, агар бундай жамиятлар пайдо бўлмаганда эди, жамойи руҳ уни тўғри уюшишга, яъни тўғри уйғонишни вужудга келтирадиган ҳизбий уюшишга ундар эди.

Маориф ва хайрия жамиятлари билан бир қаторда, ахлоқ - уйғониш асоси деб, умматнинг уйғониши учун ахлоқ асосида панду насиҳатлар, маъруза ва варақалар воситасида иш олиб борадиган ахлоққа даъват этувчи жамиятлар юзага келди. Бу жамиятларда жуда катта куч ва кўплаб маблағлар сарфланди. Лекин уларнинг айтарли натижалари бўлмади. Улар такрорланавериб сийқаси чиққан, зерикарли гаплар билан умматнинг уйғониш ҳис-туйғусини сўндирди. Бу каби жамиятлар Аллоҳ Таолонинг Расул ﷺга хитобан:

﴿وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ﴾

– „Албатта, сиз улуг хулқ устидадирсиз“,

[68:4]

деган мазмундаги сўзини хато тушуниш асосида юзага келган эди. Ҳолбуки бу хитоб жамиятни эмас, Расулulloҳ ﷺнинг шахсларини сифатлашдир. Шунингдек, бу жамиятлар Пайғамбаримизнинг: **«Аллоҳ Таоло мени улуг ахлоқларни камолига етказиш учун юборди»** ва: **«Мен улуг ахлоқларни камолига етказиш учун юборилдим»**, деган ҳадисларини нотўғри тушуниш асосида вужудга келган эди. Ҳолбуки бу ва бу каби ҳадислар жамоатнинг эмас, шахснинг сифатларига тааллуқлидир. Улар, шунингдек, шоирнинг:

«Умнатлар ахлоқлари бор экан умнатдир,

Ахлоқлари йўқолса, улар ҳам йўқолур»,

деган сўзидаги хато тушунчага асосланишди.

Ҳолбуки, умнатлар ахлоқ билан эмас, балки қабул қилган ақидалари, кўтариб чиқаётган фикрлари ва татбиқ қилаётган қонунлари билан умнат бўлади. Шунингдек, бу жамиятлар «Жамият шахслардан ташкил топади», деб жамият маъносини хато тушуниш асосида юзага келди. Ҳолбуки жамият муайян қисмлардан, яъни инсон, фикрлар, туйғулар ва қонунлардан ташкил топган яхлит нарсадир. Бинобарин жамиятнинг бузилиши инсоннинг бузилишидан эмас, балки фикрлар, туйғулар ва қонунларнинг бузилишидан келиб чиқади. Жамиятни тузатиш эса унинг фикрлари, туйғулари ва қонунларини тузатиш билан бўлади.

Шунингдек, бу жамиятлар кўплаб ислоҳотчи ва ахлоқ соҳаси олимларининг тасаввурида ўрнашиб қолган тушунча асосида, яъни «Жамоатни фақат шахс бузади, шахсни тиклайдиган ва бузадиган омил эса унинг ахлоқидир. Яхши хулқ шахсни кучли, тўғри, фаол, жамиятга

фойдали, яхшилик, эзгулик ва жамиятни тузатиш учун ҳаракат қиладиган кишига айлантиради. Ёмон хулқ эса заиф, суст, жамиятга ҳеч қандай фойда ва яхшилик келтирмайдиган, ҳаётда кўнгил истакларини қондириш ва шахсий манфаатларини амалга оширишдан бошқа ҳеч қандай ташвиши йўқ худбин кишига айлантиради», деган тушунча асосида юзага келди. Шунинг учун улар жамоатни тузатиш фақат шахсни тузатиш орқали юзага келади, деб ўйлаб, жамиятни ахлоқий дастур асосида тузатмоқчи бўлдилар ва ахлоқни умматни уйғотувчи восита қилиб олдилар.

Ахлоқ асосига қурилган ислоҳий ҳаракатларнинг барчаси муваффақиятсизликка учраганига қарамай, одамлар ҳамон «Ахлоқ - ислоҳ қилишнинг асоси», деган ишончдалар. Улар айнан шу асосда ислоҳий жамиятлар туздилар. Ҳолбуки, шахс жамоатнинг бир бўлаги бўлса-да, аслида жамоатни тузатиш воситалари шахсни тузатиш воситаларидан бошқадир. Чунки жамоатнинг бузилиши унинг жамойй туйғуларининг, фикрий ва руҳий муҳитларининг бузилишидан ҳамда жамоатда чалкаш тушунчалар мавжудлигидан келиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, «урфи омм»нинг бузилишидан келиб чиқади. Жамоатни тузатиш «тўғри урфи омм»ни пайдо қилиш билангина амалга ошади. Бошқача қилиб айтганда, жамоатни тузатиш унинг туйғуларини тузатиш, соғлом руҳий муҳитларни ва руҳий жиҳатга улаиб кетган фикрий муҳитларни вужудга келтириш ҳамда тузумнинг давлат тарафидан татбиқ қилиниши орқали амалга ошади. Булар фақат исломий муҳитларни пайдо қилиш билан юзага келади. Бунинг учун барча одамларнинг нарсалар ҳақидаги тушунчаларини тўғирлаш зарур. Шунда жамоат ҳам, шахс ҳам тузалади. Бу ишлар жамият асосида уюшиш билан ҳам, ахлоқ ва панду насихатни уюшишнинг асоси қилиш билан ҳам амалга ошмайди.

Мана шу туфайли жамиятлар асосидаги барча уюшмалар уйғониш ёки ислоҳни вужудга келтиришда муваффақиятсизликка учради. Шунингдек, муайян мабдага асосланмаган, умуман тушуниш сўнгида вужудга келмаган ва робитасини аъзоларининг ўртасини бирлаш-тирувчи тўғри омилга асосламаган, номига ҳизбий асосдаги барча уюшмалар ҳам муваффақиятсиз-ликка учради.

Бундан ташқари, бу уюшмаларнинг ҳаммасининг муваффақиятсизликка учраши аъзолари томонидан ҳам муқаррар эди. Зеро, бу уюшмалар фикрат ва тариқат йўқлиги ва уюшишдаги тариқатнинг хатолиги сабабли тўғри уюшиш асосига қурилмаганидан ташқари, улар ўз уюшмаларини шахснинг салоҳияти асосида эмас, балки шахснинг жамиятда тутган ўрни ва унинг ҳизб ёки жамиятга аъзо бўлишидан келиши мумкин бўлган нақд фойда асосига қуришган эди.

Киши уюшмага лойиқ ёки лойиқ эмаслигидан қатъий назар, ўз қавми ичида обрўли, жамоати орасида бадавлат бўлганига қараб ё адвокат ёки табиб ёхуд мартабали ва нуфузли бўлганига қараб аъзоликка танланар эди. Шунинг учун, бу уюшмаларда табақачилик жиҳати устун бўлганидек, аъзоларининг орасида тарқоқлик яққол кўриниб турар эди. Бундай ҳизб ёки жамиятлар аъзоларида «Биз халқнинг қолган қисмидан

фақат молу дунё ва обрўимиз билан эмас, балки ҳизб ёки жамиятга аъзолигимиз билан ҳам ажралиб турамиз», деган ички туйғу ҳукмрон эди. Шунинг учун улар билан халқ ўртасида ҳеч қандай таъсир қилиш ёки яқинлашув юзага келмайди. Натижада бундай жамият ёки ҳизбнинг борлиги дард устига чипқон ва жамиятнинг тинкасини қуритаётган муаммоларга қўшимча янги муаммо бўлади.

Шунинг учун ўрганиш, фикрлаш ва кузатишлардан сўнг айта оламизки: барча исломий юртларда ўтаётган аср мобайнида уйғонишга олиб борадиган бирорта ҳам тўғри уюшма пайдо бўлмади. Умнат фақат уюшма воситасида уйғонса-да, пайдо бўлган барча уюшмалар нотўғри асосга қурилгани туфайли муваффақиятсизликка учради. Шундай экан, умнатнинг уйғонишига сабаб бўладиган тўғри уюшма қандай бўлади? Қуйида шуни баён қиламиз.

Умнатнинг уйғонишига сабаб бўладиган тўғри уюшма низоми муайян амал ва сўзлар билан, ёки фақат муайян сўзлар ёки фақат амаллар билан шуғулланишни талаб қиладиган жамият асосида бўлиши мумкин эмас. Бу каби уюшмалар уйғонишни хоҳлаётган умнат орасида кучайтирилиши мумкин эмас. Шунингдек, тўғри уюшма Ислом оламида Биринчи жаҳон урушидан то бугунга қадар юзага келган номабдаий ҳизблар асосида бўлиши ҳам мумкин эмас.

Тўғри уюшма исломий мабдаий ҳизбий асосга қуриладиган уюшма бўлиб, фикрат ҳизб жисмининг жони, унинг негизи ва ҳаётининг мазмуни бўлади. Ҳизбнинг биринчи ҳужайраси фикратни ва шу фикрат жинсидан бўлган тариқатни ўзида мужассам этган, ҳатто поклиги ва софлигида фикратга, равшанлиги ва тўғрилигида тариқатга ўхшаган инсондан иборат бўлади. Қачонки бу уч нарса: чуқур фикрат, равшан тариқат ва пок инсон вужудга келса, биринчи ҳужайра вужудга келади. Сўнгра бу ҳужайра тезлик билан бир неча ҳужайраларга кўпайиб, бу ҳужайралар ҳизбнинг биринчи ҳалқаси - **ҳизб қиёдати** бўлади. Қачонки биринчи ҳалқа вужудга келса, ҳизбий гуруҳ ўсиб чиққан ҳисобланади. Чунки бу ҳалқа ҳеч қанча вақт ўтмасдан гуруҳга айланади. Шунда бу гуруҳ фикрат ва тариқатни қабул қиладиган шахсларнинг ўртасини боғлаб турадиган робитага эҳтиёж сезади. Бу ҳизбий робита - ҳизбнинг фалсафаси келиб чиқадиган ақида ҳамда ҳизбнинг ўзига хос тушунчалари билан ажратиб турадиган сақофатидир. Шу вақтда ҳизбий гуруҳ шаклланиб, ҳаёт майдонида юра бошлайди. У иссиқ ва совуқ ҳавога, бўрон ва шабадаларга, булутли ва очиқ кунларга дуч келади. Бу гуруҳ ушбу шароитларга бардош берса, демак, фикрати тиниқлашган, тариқати равшан бўлган, шахсларини тайёрлаган, робитасини кучайтирган бўлади, даъват ва фаолиятда у ҳизбий гуруҳдан ҳақиқий уйғониш учун иш олиб борадиган мукаммал мабдаий ҳизб томон қадам ташлашга қодир бўлган ҳисобланади. Негизи фикрат бўлган тўғри уюшма мана шудир. Чунки фикрат ҳаётнинг асосидир.

Уйғонишни хоҳлаётган умнат ичида бундай мабдаий ҳизбий уюшма табиий равишда қандай пайдо бўлади? Қуйида шуни баён қиламиз.

Умнат бўлинмас ягона жисм бўлиб, ўзининг умумий тузилишида инсонга ўхшайди. Инсон ўладиган даражада қаттиқ касал бўлиб, сўнг жонлана бошласа, яхлит бир бутун жисм сифатида унинг бутун вужуди жонлана бошлайди. Шунингдек, қолюқ умнат касал умнат деб эътибор қилинади. Агар у жонлана бошласа - битта инсоний мажмуа сифатида яхлит бир жисм деган эътибор билан - бутун умнат жонланади. Ижро қилиниши учун ўзининг тариқатига эга бўлиб, шу тариқат билан биргаликда мабда деб номланадиган нарсани ташкил этувчи фикрат умнат учун жонланиш омилидир.

Умнатда мабда мавжуд бўлишининг ўзи уни жонлантириш учун етарли эмас. Балки умнатнинг мабдани топиб, ўз ҳаётида амалий ўринга қўйиши уни тирик умнатга айлантиради. Зеро, мабда умнатнинг қонунчилиқ, сақофий ва тарихий меросларида бор бўлса-да, баъзан умнат мабданинг ўзидан ё мабданинг фикратидан ёки тариқатидан ёхуд фикрат билан тариқатни бир-бирига боғлашдан гафлатда бўлади. Бундай ҳолатда фикрат ва тариқат мавжуд бўлишининг ўзи уйғонишга олиб бормайди.

Одатда умнат жамиятда қаттиқ силкинишлар рўй бериши натижасида жонлана бошлайди. Бундай силкинишлар оқибатида умнатда муштарак сезги пайдо бўлади ва бу жамойй сезги силкинишларнинг сабаб ва оқибатларини ва улардан қутқарувчи узоқ ва яқин воситаларни ўрганиш орқали маълум масалалар келтириб чиқарувчи фикрий фаолиятга олиб келади.

Бироқ, бу сезги жамоатнинг шахслари орасида ягона-муштарак бўлса-да, лекин Аллоҳ мумтоз истеъдодлар бериш билан одамларни сезгига қанчалар тайёрлаганига қараб, у одамлар орасида турли даражада бўлади. Шунинг учун жамоатнинг фикратни топганлиги унда яшириниб, юзага чиқмай туради. Қачонки топганлигининг таъсири йиғилиб, юксак даражадаги сезгига эга шахсларда тўплангандан сўнг, уларни уйғотиб илҳомлантиради ва уларда ҳаракат пайдо қилади. Бу вақтда жонланиш нишонлари аввало шу шахсларда кўринади.

Юксак даражадаги сезгига эга ушбу шахсларда жамоатнинг сезгилари ўз аксини топиб, уларда фикрат марказлашади, сўнг уларда онг ва идрок ҳаракати вужудга келади. Улар умнатнинг кўзлари ҳамда умнат орасидаги онгли қатламдир.

Бироқ, бу онгли қатлам бир неча йўллар қаршисида қайси бирдан юришни билмай ҳайрон ва беқарор бўлади. Лекин бу жамойй қатламдаги онг ҳаракати турли даражада бўлиб, баъзисидаги сезги мантиқи бошқасидагидан кўра кучлироқ бўлади. Шунда бу онгли қатламдан сараланган мумтоз гуруҳ юзага келиб, ўрганиш ва чуқур изланишлар натижасида йўллардан бирини танлайди. Йўлнинг равшанлигини кўриб тургани каби, кўзланаётган ғояни ҳам кўради ва шу йўлдан юриб, ғояси сари ҳаракат қилади. Шундай қилиб, бу гуруҳ мабдани фикрати ва тариқати билан топиб, унга мустаҳкам ақида сифатида эътиқод қилади ва мабда унда гавдаланиб, унинг ақидасига айланади. Ушбу ақида ҳизб

сақофати билан биргаликда шу гуруҳ шахслари ўртасини боғлаб турувчи робитага айланади.

Мабда шахсларда гавдаланган вақтда юзага чиқмасдан яшириниб тура олмайди. Балки мабда уларни мабдага даъват этишга ундайди. Шунда уларнинг ишлари мабда асосида шаклланиб, унинг дастури бўйича юради, чегаралари билан чекланади. Уларнинг бутун ҳаёти мабда учун, унга даъват этиш учун ва унинг вазифаларини бажариш учун бўлиб қолади. Бу даъват одамлар фақат мана шу мабдани қабул қилишлари ва уммат орасида мабда ҳақида умумий онг юзага келишини мақсад қилади. Сўнг биринчи ҳалқа гуруҳга айланиб, гуруҳ ўз навбатида мабдаий ҳизбга айланиб, икки жиҳатдан табиий равишда ўса бошлайди: биринчиси - мабдани тўла, онгли равишда қабул қиладиган ҳужайраларни пайдо қилиш орқали ўз ҳужайраларини кўпайтириш; иккинчиси - бутун умматда мабда ҳақида умумий онгни юзага келтириш. Мабда ҳақидаги ушбу умумий онгдан фикрлар, раъйлар ва эътиқодларнинг - умматда яқдиллик суратида бўлмаса-да - жамойи равишда бирхиллашуви ҳосил бўлади. Бу билан умматнинг мақсади, ақидаси ҳамда ҳаёт ҳақидаги кўзқараши бирхиллашади. Шунда ҳизб умматни эритиб, унинг қолақлашишига сабабчи бўлган ёки қолақлиги даврида пайдо бўлган кир ва фасодлардан тозалайдиган дошқозонга айланади. Умматни бундай эритиб тозалаш ишига ҳизб бошчилик қилади. Бу уйғонишга сабаб бўладиган амалиёт машаққатлидир. Шунинг учун бу ишни ўз фикрати билан яшаётган, ҳаётини фикратига бағишлаган ва босадиган ҳар бир қадамини англайдиган ҳизбгина бажара олади.

Бунга сабаб шуки, ҳизбдаги фикрга олиб борадиган сезги бу фикрни уммат ичида бир неча фикрлар орасида намоён қилади. Натижада бу фикр ўша фикрларнинг бирига айланади. Даставвал у фикрларнинг энг заифи бўлади. Чунки у энди юзага келиб, ҳали ўрнашмаган ва унинг учун муҳит мавжуд эмас фикр бўлади. Лекин у сезги мантиқи натижасидаги фикр бўлгани, яъни сезги орқали идрок қилишдан пайдо бўлган тушунуш бўлгани учун фикрий сезгини юзага келтиради, яъни чуқур фикр натижасидаги равшан сезгини пайдо қилади. Табиийки, бу фикр уни ўзида мужассам этган кишини тозалаб, холис кишига айлантиради. Ҳатто у холис бўлмасликни хоҳласа ҳам, бунга қодир бўла олмайди. Бу фикр холис кишида ақида ва сақофат бўлиб гавдаланади-да, унинг ичида сўнмас ғалаённи пайдо қилади. Бу ғалаён фикр ва туйғуда пайдо бўлган ёнишдан кейинги портлашдан ўзга нарса эмас. Портлаш даъватда ғайрат ва садоқатни, айна вақтда мантиқ ва фикрни ёйиб, бузуқликни куйдирувчи ўтга ҳамда яхшилик йўлини ёритувчи нурга айланади. Бу билан даъват бузуқ фикрлар, чириган ақидалар ва эскирган урф-одатларга қарши курашга киради. Улар ўзларини ҳимоя қилишга уринади. Лекин бу ҳимоянинг ўзи янги мабда билан тўқнашишдан иборат бўлиб, мабда қувватига қувват қўшади. Бу кураш қисқа вақт давом этади ва ниҳоят барча фикрлар, ақидалар ва йўллар парчаланиб, уммат орасида ёлғиз Ҳизбнинг мабдаи уммат фикри ва ақидаси бўлиб қолади.

Ҳизб фикрлар, эътиқодлар ва раъйларни бирхиллаштирган вақтда умматнинг онгли равишдаги бирлигини юзага келтиради ва умматни эритиб тозалаган бўлади. Шунда уммат яхлит бир бутун уммат бўлиб, бу билан ҳақиқий бирлик вужудга келади.

Сўнгра Ҳизбнинг иккинчи босқичи келади. Бу босқич умматни уйғотиш, сўнгра у билан бирга Ислом рисолатини ўзга халқ ва умматларга олиб бориш мақсадида тубдан ўзгартириш орқали ислоҳ қилиш ишини ўз қўлига олиш томон умматни етаклаш босқичидир, токи уммат бутун инсоният олдидаги бурчини адо этсин!

Бу ҳизбий уюшма жамойй ҳаракатдир. Бундан ўзгача бўлиши мумкин ҳам эмас, чунки тўғри уюшма якка тартибдаги ҳаракат бўлмайди. Шунинг учун исломий юртлардаги Ҳизбнинг тепасида турадиган шахслар жамойй ҳаракатларни диққат билан ўрганишлари ва уларни теран тушунишлари лозим.

Ўз вақтида таъсир кучига эга бўлган жамойй ҳаракатларни тушуниб ўрганиш бизга шуларни кўрсатадики, мўл-кўлчилик ва фаровонлик мавжуд бўлган, инсоннинг табиий ҳуқуқлари поймол бўлмаётган ҳамда муҳим ишларни эгаллашда шахснинг лаёқати ўлчов бўлган вазиятда бундай жамойй ҳаракатлар юзага келмайди. Жамойй ҳаракатларни бундай тушуниб ўрганиш ҳар қандай жамойй ҳаракат яшаган ёки яшаётган муҳитни, юзланган ёки юзланаётган вазиятларни ҳамда бу ҳаракатдаги кўзга кўринган шахсларнинг ҳаракат муваффақияти ёки юриши олдидаги тўсиқларни йўқ қилиб, ҳаракат ишини юргизиш ва унинг вазифасини энгиллатишда қанчалик фаолият кўрсатаётганини ўрганиш орқали ҳаракатларга тўғри баҳо бериш имконини беради.

Жамойй ҳаракатларнинг муваффақияти мавжуд ҳокимият ёки тузум томонидан ҳар вақт ҳаракат мабдасига зид бўлган ёки ҳокимиятнинг хоҳиш ва манфаатларига мувофиқ равишда ҳаракат мабдасига қарши ишлар содир бўлганда, одамларда норозилик руҳини уйғотиш ва шу норозиликни ошқор этишга ундашга қодирлиги билан баҳоланади.

Бу жамойй ҳаракатларни тушунишимиз биздан жамиятдаги ҳаётни ўрганишни, умматнинг ҳокимлар билан, ҳокимларнинг уммат билан бўладиган алоқаларини; бу алоқаларнинг асосларини ва Ислом назаридаги уларнинг тўлиқ моҳиятини; Ислом қақирган раъйлар, фикрлар ва аҳкомларни, уларга нисбатан жамият тугган ўринни, бу раъйлар, фикрлар ва аҳкомлар учраган ўзгартириш, алмаштириш ва ижтиҳодни, бу ижтиҳоднинг фуруъ ва усулдаги ҳақиқатини ва Ислом уни тан олиш ёки тан олмаслигини билишни тақозо этади. Шунингдек, бу ҳаракатларни тушуниш биздан уммат яшаётган - ҳаёт тузуми ва бошқарув низоми қилич, макр ва мол билан ушлаб турган бу дунёда исломий раъйлар, фикрлар ва аҳкомларнинг йўқолиб бораётганини кўриб турган умматнинг руҳий ҳолатини ўрганишни тақозо этади.

Бу ҳаракатларни тушуниш биздан умматнинг ўзига татбиқ этилаётган, унинг Исломига йўқолиб кетиш хавфини туғдираётган ва унинг ўзини бахтсизлик ва ҳалокат жарлигига қулатаётган мана бу тузумларга бўлган

мойиллигини ва қарашини умумий равишда билишни; сўнгра уммат ичидаги мутафаккирларнинг ўзларига татбиқ этилаётган бузуқ тузумга мойилликларини ва уни қабул қилишлари даражасини, уларда нафрат уйғотган ёки уйғотмаганлигини билишни ва уларнинг алдов ва таҳдидлардан қанчалар таъсирланишларини, бу алдовга қанчалар учишлари ва таҳдидга қанчалар бўйсунушларини билишимизни тақозо этади.

Сўнгра ҳизбий гуруҳнинг ўзини танимоғимиз; бу гуруҳ ўткир сезги, чуқур тафаккур ва соф ихлосга эга эканини, жамиятда ижро этилаётган чоралар Ислому ва унинг қонунларига бўлган иймонини сусайтирмаганини ҳамда бўлаётган алдов, таҳдид ва қўрқитишлар, совға ва озорлар унга мутлақо таъсир этмаганини аниқ билмоғимиз; сўнгра бу гуруҳ - ўзига қанчалар зўравонлик, зулму, қийинчилик ва дўқ-пўписалар бўлса ҳам - мабдани мустаҳкам қўргон ичида сақлай оладиган даражада ўз қийматларини тўла асрай олгани, иймонига путур етмагани, чуқур исломий фикрлар билан суғорилгани, умумий манфаатларни қабул қилгани, масъулиятни ҳис этгани - буларнинг барчаси муқаммал эканига ишонч ҳосил қилмоғимиз; сўнгра бу гуруҳ ҳар қандай натижаларни эътиборга олиб, уларни кўтаришга тайёр ҳолда масъулиятни ўз гарданига олишга бел боғлаганини аниқ билмоғимизни тақозо этади.

Жамойй ҳаракатларнинг ўтмишини ва ҳозирини бундай текшириш мабдаий ҳизбнинг жамойй ҳаракат сифатида юриши моҳиятини кўрсатиб беради ҳамда унинг ҳизб шартларига тўла эга бўлиб, ўз табиий йўлида юраётганини аниқ билишга имкон беради. Ҳатто унинг ўз йўлидан оғиши кузатилганда ёки ўрганишлар жиҳозига ўзгартиш киритишни ёки ҳаракати мослашувчанликни ёки курашда матонатни тақозо этаётгани кузатилган вақтда, умматни уйғотишдаги ва уни барча ҳалқ ва умматларга Ислому рисолатини олиб борадиган умматга айлантиришдаги бурчини адо этиш кафолатини берадиган услублар қўлланилади.

Ҳизбни тўғри ташкил этиш қўйидаги тарзда бўлади:

1. Мабда фикри ва сезгиси бошқалардан устун бўлган шахс тарафидан топилиб, у билан бирикади, ҳатто мабда унда тиниқлашиб, унга равшан бўлиб қолади. Мана шу вақтда ҳақиқатда биринчи ҳужайра вужудга келади. У аста-секин кўпайиб бориб, ҳужайраларга айланадиган бошқа шахслар пайдо бўлади ва улар бир-бирлари билан мабда асосида тўла боғланадилар. Улардан ҳизбий гуруҳнинг биринчи ҳалқаси - **ҳизб қиёдати** юзага келади. Ушбу шахслар ўртасидаги уюшишнинг ўқи ҳам, бу ўқ атрофида уларни тортиб турган куч ҳам фақат мабда бўлмоғи лозим.

2. Бу биринчи ҳалқанинг - одатда - саноғи оз, ҳаракати даставвал секин бўлади. Чунки у ўз жамиятининг сезгиларини ифодалаётган бўлса-да, лекин жамият эшитиб одатланмаган сўз ва маънолар билан ифодалайди. У жамиятнинг сезгиларини ифодалаётган бўлса ҳам, унда жамиятдаги ҳукмрон тушунчаларга зид янги тушунчалар бўлади. Шунинг учун бу ҳалқа жамиятда гўё бегонадек бўлиб, даставвал унга биринчи

ҳалқада гавдаланган мабда магнитига тортилиш қобилиятини ўзида пайдо қиладиган даражада кучли сезгига эга кишиларгина қўшилади.

3. Бу биринчи ҳалқа, яъни қиёдатнинг тафаккури одатда чуқур, уйғонишдаги тариқати эса туб, яъни таг томиридан бошланадиган бўлади. Шунинг учун бу ҳалқа уммат яшаётган бузуқ воқедан юқори кўтарилиб, юксак самоларда парвоз қилади ва умматнинг яшамоғи учун уни кўчирмоқчи бўлаётган воқени, яъни умматни кўчирмоқчи бўлаётган янги ҳаётни кўриб туради. Шунингдек, у мазкур воқени ўзгартириш учун тутадиган йўлини кўриб туради. Бошқача айтганда, у девор ортидаги нарсани кўради. Аини пайтда у яшаётган жамиятнинг кўпчилик қисми фақат олдини кўради ва - бузуқ воқега ёпишиб қолгани учун - парвоз эта олмайди, яъни воқени ўзгартиришни тўғри идрок этиш унга қийин бўлади. Зеро, тубан жамиятда фикр бошланғич даражада бўлиб, барча фикрни жамият воқедан олади, нарсаларни хато равишда ва умумий суратда шу фикрга қиёслайди, ўзини ўша фикр асосида шакллантиради. Шунинг учун у манфаатларни воқе асосида белгилайди.

Аммо биринчи ҳизбий ҳалқа - қиёдатнинг фикри эса бошланғич босқичдан ўтиб, такомиллашиш йўлида кетаётган бўлади. Шунинг учун бу ҳалқа мабдани воқега мослаштириш билан воқени фикрлаш манбаи қилмайди, балки воқени мабдага мувофиқ ўзгартириш мақсадида воқени фикрлаш майдони қилади. Шу сабабли мабдани воқега мослаштириш учун эмас, воқени ўзи қабул этган мабдага мослаштириш учун уни ўзгартиришга, мабда асосида шакллантиришга ва ўз хоҳишига бўйсундиришга ҳаракат қилади. Шу туфайли жамият билан ҳизбнинг биринчи ҳалқаси орасида ҳаёт ҳақидаги кўзқарашни тушунишда камайтирилиши лозим кескин фарқ бўлади.

4. Биринчи ҳизбий ҳалқа, яъни қиёдатнинг фикри барқарор қоидага таянади. У қоида шундан иборатки, фикр амалга боғланиши, фикр ва амал бу иккисидан кўзда тутилаётган муайян ғоя учун бўлмоғи зарур. Шунинг учун, бу ҳалқада мабда гавдалангани ва фикр қоидага таянгани туфайли, унда барқарор иймоний муҳит вужудга келади ва бу ҳол воқени ўзгартиришга ва бўйсундиришга ёрдам беради. Чунки бундай фикр ташқи муҳитдан таъсирланмайди, балки унга таъсир ўтказиб, ўз шакли билан шакллантиради. Қолоқ жамият фикрининг эса, аксинча, муайян қоидаси бўлмайди. Зеро, бутун жамият юритаётган фикри ва қилаётган амалидан кўзланадиган ғояни билмайди. Унинг шахсларидаги ғоялар шахсий ва вақтинчалик бўлади. Шунинг учун унда иймоний муҳит бўлмайди. Бунинг натижасида жамият ташқи муҳитдан таъсирланиб, унинг асосида шаклланишга мажбур бўлади, муҳитни ўз шакли билан шакллантира олмайди. Шунга биноан, аввалида ҳизбнинг биринчи ҳалқаси билан у яшаётган жамият ўртасида қарама-қаршилиқлар келиб чиқади.

5. Муайян фикрлаш тариқатини белгилаб берадиган иймоний муҳитни юзага келтириш биринчи ҳизбий ҳалқа (қиёдат) вазифаларидан бири бўлгани туфайли, у ўзини тезлик билан ўстириш ва муҳитни тўла мусаффо қилиш мақсадида режали ҳаракатлар қилмоғи лозим, токи

Ўзининг ҳизбий жисмини жуда тезлик билан соғлом равишда қурсин. Ҳамда - тез ривожланган ҳолда - ҳизбий ҳалқадан ҳизбий гуруҳга айланмоғи, сўнгра мукамал ҳизбга, яъни жамиятдан таъсирланадиган эмас, балки унга ўз қарашларини сингдириб, таъсир ўтказадиган мукамал ҳизбга айланмоғи лозим.

6. Бу режали ҳаракатлар жамият, шахслар ва муҳитларни онгли равишда ўрганиш ҳамда ҳизб вужудига бузуқ унсур суқулиб киришидан ва уюшишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳизб жиҳозларидан бирини тузишда хатолик содир бўлишидан эҳтиёт бўлган ҳолда назорат қилиш билан бирга олиб борилади. Токи бу хатолик уни тўғри йўналишдан бошқа томонга буриб қўямасин ва ҳизбнинг ичида бўлиниш вужудга келмасин.

7. Собит-барқарор ақида ва етилган ҳизбий сақофат ҳизб аъзолари ўртасидаги робита бўлмоғи, ҳизб жамоатини ҳаракатга соладиган қонун ҳам қоғозга ёзилган идорий қонун эмас, балки айни шу ақида ва сақофат бўлмоғи лозим. Бу ақида ва сақофатни кучайтириш тариқати ўрганиш ва фикрлашдириш, ақл ўзига хос суратда шакллансин ва туйғуга боғланган фикр вужудга келсин. Бутун ҳизбни давомли равишда иймоний муҳит қамраб турмоғи зарур, токи ҳизбни бирлаштирувчи омил икки нарса - қалб ва ақл бўлсин. Шунинг учун мабдага иймон келтирмоқ даркорки, ҳизб шахслари орасини аввало қалб боғласин. Сўнгра мабдани чуқур ўрганмоқ, ёдда тутмоқ, ўзлаштирмоқ ва тушуниб етмоқ зарурки, иккинчи робита, яъни ақл ҳосил бўлсин. Шундай қилиш орқали ҳизб тўғри тайёрланади ва унинг робитаси ҳизбнинг ҳар қандай бўрон-шамоллар қаршисида сабот-матонат билан тура олишига имкон берадиган даражада мустаҳкам ва пухта бўлади.

8. Ҳизб қиёдати, яъни ҳизбнинг биринчи ҳалқаси бир жиҳатдан моторга ўхшаса, бошқа жиҳатдан ўхшамайди. Ўхшаш жиҳати шундаки, газ билан ҳаракатланадиган мотор ўз ҳаракати натижасида бензин ва учқундан ҳосил бўладиган иссиқлик қувватига эга. Бу иссиқлик қувватидан ҳавода босим пайдо бўлиб, у тирсакли вални туртади ва ўз навбатида вал ўз ҳаракатини қолган қисмларга узатади ва машина ҳаракатга келади. Шунга биноан ушбу уч нарса - учқун, бензин ва мотор ҳаракати асосий омиллардир. Чунки мотор иссиқлик қувватини пайдо этиш билан босим ҳосил қилади ва бу босим ўз ҳаракатини қолган қисмларга узатади-да, моторни ҳаракатга келтиради. Агар моторнинг ҳаракати тўхтаса, қолган барча қисмлар ҳам тўхтайдди. Демак, мотор ҳаракатланиши, сўнгра бутун машинани ҳаракатга келтириши учун албатта бензин, учқун ва мотор ҳаракати зарур. Шунга ўхшаш, ҳизб қиёдатида, яъни ҳизбнинг биринчи ҳалқасида гавдаланган фикрат учқун ўрнида, қиёдат таркибидаги онгли шахсларнинг сезгиси бензин ўрнида ва сезгиси фикратдан таъсирланган инсон эса мотор ҳаракати ўрнидадир. Шунга кўра, фикрат инсондаги сезгига боғланган пайтда иссиқлик қувватини пайдо этади ва бу қувват қиёдатни ҳаракатга ундайдди. Қиёдатнинг бу ҳаракати ҳизбнинг шахслар, ҳалқалар ва маҳаллий

жиҳозлар каби бошқа қисмларига ўтади ва бу қисмлар унинг иссиғидан таъсирланиб, бутун ҳизб - машина ҳаракатга келганидек - ҳаракатга келади. Мана шу вақтда ҳизб юриши ҳаракатга келиб, унинг шаклланишида ўсиш даври бошланади.

Шунга кўра, бутун машина ишга тушмоғи учун мотор ҳаракатланиши зарур бўлгани каби, ҳизбнинг барча қисмлари ишга тушиб кетиши учун қиёдат тарафидан ҳизбнинг барча қисмларига иссиқлик қуввати юборилиши даркор. Бу - ҳизб қиёдати билан мотор ўртасидаги ўхшашлик жиҳатидир. Бинобарин, ҳизб етакчилари шу жиҳатга аҳамият бериб, қиёдат ҳарорати барчага таъсир қилиши учун ҳизбнинг қолган қисмлари билан доимо боғланиб, уларни ҳаракатга келтириб туришлари лозим. Агар бир неча марта боғланиб, қолган аъзо ва жиҳозларнинг - ҳаракатлантирилгандан бошқа пайтда - ҳаракатланмаётганларини кўрсалар, ҳеч ноумид бўлмасинлар ва билсинларки, бу табиий ҳолдир. Чунки машина мотор ҳаракатга келиб, ўзидан иссиқлик тарқатгандагина ишга тушади.

Бироқ, қиёдат (ҳизбнинг биринчи ҳалқаси)нинг ҳаракатлантириши - худди тирсакли вал моторда ўз ҳаракатини бошқа қисмларга ўтказгани каби - ҳизбга ҳаракат узатиш билан таъсир кўрсатмайди. Гарчи унинг ҳаракатлантириши даставвал шу зайлда бўлса-да, ҳизб юриб кетгандан сўнг бундай бўлмайди. Айни шу жиҳатдан ҳизбнинг биринчи ҳалқаси - қиёдат - моторга ўхшамайди. Зеро, мотор машинани доим ҳаракатга солувчи омил бўлиб қолади. Қиёдат эса механик эмас, ижтимоий мотордир. Ҳизб аъзолари, ҳалқалари ва маҳаллий жиҳозлари темир эмас, инсон фарзанди, уларда ҳаёт мавжуд. Улар қиёдат ҳарорати билан, яъни унда гавдаланаётган мабда ҳарорати билан таъсирланадилар. Шунинг учун улар фикратни тушуниб етганларидан ва қиёдатнинг ҳизбий ҳароратига қўшилиб кетганларидан сўнг моторнинг бир қисмига айланадилар. Мана шу вақтда қиёдат ҳаракатининг ўзи иссиқлик қуввати орқали бутун ҳизбга табиий равишда ҳаракат юбориб турувчи омилга айланади. Чунки ижтимоий мотор бўлган қиёдат бутун ҳизбда кенг тарқалувчи фикрий яхлитликни пайдо қилади. Шу вақтда қиёдатгина мотор ҳаракатига эга бўлиб қолмайди, балки - мотор ҳаракати ўсгани ва ҳизбни ташкил этиш такомиллашгани сабабли - бутун ҳизб мотор ҳаракатига эга бўлади. Шунга кўра, ҳизбнинг юриши қиёдат ҳаракатига ҳамда унинг ҳарорат юборишига эҳтиёж сезмайди. Балки мабда ҳизб аъзоларида ҳаракатланади ва ҳизбнинг ҳалқа ва маҳаллий жиҳозлари қиёдат ҳаракатига эҳтиёж сезмаган ҳолда автоматик равишда ҳаракатланади. Зеро, ҳар бир қисмнинг ҳарорати мабдадан, ҳизбда кенг тарқалган ва бу қисмларга табиий равишда бирикиб кетган фикрий яхлитликдан ҳосил бўлади.

9. Мабдаий ҳизб жамиятда ўз мабдасини татбиқ эта бошлагунча уч босқичда ҳаракат қилади:

Биринчиси - ҳизбий сақофат пайдо қилиш учун ўрганиш ва таълим олиш босқичи.

Иккинчиси - ўзи яшаётган жамиятга таъсир қилиш босқичи, токи мабда онгли равишдаги урфи оммга айлансин ва бутун жамоат уни ўз мабдаси деб эътибор қилиб, жамой равишда ҳимоя қилсин. Бу босқичда мабданинг татбиқ этилишига қаршилиқ қилаётган мустамлакачилик, унинг малай ҳокимлари, жаҳолатпарастлар ва ажнабий сақофат билан заҳарланган кишилар билан уммат ўртасида кураш бошланади. Зеро, уммат мабдани ўз мабдаси, ҳизбни эса ўзига етакчи деб билади.

Учинчиси - ҳокимиятни умматга мабдани татбиқ этишнинг тариқати қилиб олиш учун уммат орқали ҳокимият жиловини тўла қўлга олиш босқичи. Ҳизбдаги амалий жиҳат ҳаёт майдонида айни шу босқичдан бошланади ва мабдага даъват этиш жиҳати давлат ва ҳизб учун асосий иш бўлиб қолади. Чунки мабда уммат ва давлат ёйдиган рисолатдир.

10. Биринчи босқич - таъсис босқичидир. Яъни, умматнинг барча шахсларини ҳар қандай тўғри сақофатдан холи эканликда баробар деб эътибор қилиш, ҳизбга аъзо бўлишни хоҳлаётган кишиларни ҳизб сақофати билан тарбия қилишни бошлаш ва жамиятга таъсир қилиш мақсадида у билан боғланишга қодир бўлган гуруҳни ҳизб томонидан қисқа муддат ичида етиштириб чиқариш учун бутун жамиятни ҳизбнинг мактаби деб эътибор қилиш босқичидир.

Лекин шу нарса маълум бўлиши лозимки, бу тарбиялаш таълим эмас ҳамда ҳизб оддий мактаблардан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳалқалардаги сақофат мабдани муаллим деган эътиборда олиб борилиши, олинаётган илм ва сақофатда фақат мабдага ва ҳаёт майдонига шўнғиш учун лозим бўлган қисмига чекланиш ҳамда ҳаёт майдонида уларга дарҳол амал қилиш учун олиниши лозим.

Шунинг учун сақофат амалий бўлиши, яъни ҳаётда унга амал қилиш учун олиниши лозим. Шунингдек, зеҳн билан назарий жиҳат орасига қалин тўсиқ қўйилиши лозимки, ҳизбий сақофат мактаб тарбиясининг назарий йўналишида йўналмасин.

11. Ҳизб - аъзолари иймон келтирган фикрат ва тариқатга, яъни мабдага асосланадиган уюшмадир. У жамиятнинг фикри ва сезгисини мунтазам равишда ўстириб бориш учун унинг фикри ва сезгисини назорат қилади, жамиятнинг фикр ва сезгида орқага кетишига йўл қўймайди. Ҳизб умматни тарбиялаб, етиштириб, оламшумул ҳаёт майдонига олиб чиқади. У ҳақиқий мураббийдир. Унинг ўрнини бошқа ҳеч қандай мактаб - қанчалар кўп, кенг қамровли ҳамда хилма-хил бўлмасин - боса олмайди.

Лекин ҳизб билан мактаб ўртасида тушуниб олиш лозим бўлган бир неча фарқ мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

а) Жамиятда жамият мураббийси сифатида вужудга келадиган ҳизб мавжуд бўлмас экан, дастурлар қанчалар тўғри бўлишидан қатъий назар, мактаб умматни уйғониш сари етаклай олмайди. Чунки мактаб - ҳар қанча эркин бўлмасин, табиийки бир қолипга чекланган бўлади. У хос шаклга асосланади ва муайян сифатни олади. Шу сабабли мактаб воқеларнинг ривожини асосида шаклланиш лаёқатига эга бўлмайди. Агар унинг шу асосда шаклланиши хоҳланганда ҳам, бунинг учун - то

шаклланиш пайдо бўлгунича - оғир меҳнат ва узоқ вақт зарур бўлади. Мактабнинг тайёрлаши юқоридаги каби шаклланидиган эмас, барқарор асосда бўлади.

б) Тўғри дастур асосида юзага келган ҳизбда қўйидаги хусусиятлар мавжуд бўлади.

1. Тириклик - у ўсади.

2. Ривожланиш - у бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга қўчади.

3. Ҳаракат - у жамиятнинг ҳар бир қатламида, юртларнинг ҳар бир қисмида кўчиб юради.

4. Сезги - у жамиятда содир бўлаётган ҳар бир воқеани ҳис этади, сезади ва унга таъсир ўтказади.

Ҳизбнинг тайёрлаши ҳаёт ва туйғуларнинг шаклланиши асосида бўлади. Унда доимий ривожланиш ва давомли ўзгариш мавжуд. У бир чизиқ бўйлаб юрмайди. Чунки у ҳаётни ўз иймоний муҳити билан шакллантириш, воқени ўзгартириб мабдага мослаш учун ҳаёт ва унинг барча кўринишлари билан бирга юради.

в) Мактаб шахсни муайян шахс деган эътиборда тарбиялаш ва таълим бериш асосига қурилади. У кичикроқ бир жамоа бўлса-да, таълимий жиҳатдан жамойй эмас, фардийдир. Шунинг учун унинг натижалари ҳам жамойй эмас, фардий бўлади. Фаразан ўн минг аҳолиси бор шаҳарда мактаблар бўлиб, мингта ўқувчига таълим берса ҳам, улар бу шаҳарда ҳеч қандай жамойй уйғониш пайдо қила олмайди.

г) Ҳизб жамоатни унинг шахсларидан қатъий назар битта жамоат деган эътиборда тарбиялаш ва таълим бериш асосига қурилади. У жамоат шахсларига муайян шахслар эмас, балки жамоатнинг бўлаклари деган эътибор билан қарайди. Уларни муайян шахслар бўлиш учун эмас, жамоатнинг бўлаги бўлишга яроқли бўлишлари учун жамойй равишда тарбиялайди. Шунинг учун ҳизбнинг натижалари фардий эмас, жамойй бўлади. Фаразан бир миллион аҳолиси бор ўлкада аъзолари сони юзтага етган ҳизб бўлса, у шу ўлкада мактаб узоқ вақт оғир меҳнатлар сарфлаб, кўплаб ўқувчилар чиқариб, пайдо қила олмаган уйғонишни юзага келтира олади.

д) Мактаб шахсни ўзи яшаётган жамоатига таъсир этиш учун тайёрлаш асосига қурилади. Шахс эса фақат жузъий таъсир эта олади, холос. Чунки у фикрни уйғотишга таъсири кучсиз бўлган жузъий туйғуга эга.

е) Ҳизб жамоатни шахсга таъсир этиш учун тайёрлаш асосига қурилади. Жамоат умумий суратда таъсир эта олади. Зеро, ундаги туйғу кучли, уйғотувчан ва фикрни уйғотишга қодирдир. Шунинг учун жамоатнинг шахсларга таъсири кучли бўлади ва жамоат оз фурсатда озгина меҳнат билан уларда уйғониш пайдо қилади. Чунки фикрни уйғотувчи омил туйғудир, бу иккисининг бирлашиши натижасида уйғониш учун ҳаракат ҳосил бўлади.

ж) Ҳизб ва мактаб ўртасидаги фарқнинг қисқача мазмуни қўйидаги уч нуқтадан иборат:

1. Мактаб бир қолипга чекланган бўлиб, ҳаёт асосида шаклланишга лаёқатсиз бўлади. Ҳизб эса ривожланувчан, бир қолипга чекланмайдиган ва ҳаётга ҳамнафас шаклланишга лаёқатли бўлиб, ҳаётни ўз иймоний муҳити билан шакллантиради.

2. Мактаб шахсни жамоатга таъсир этиш учун тарбиялайди ва унинг натижалари фардий бўлади. Ҳизб эса жамоатни шахсга таъсир этиш учун тарбиялайди ва унинг натижалари жамоий бўлади.

3. Мактаб жамоат туйғуларига таъсир этиш учун шахсда жузъий туйғуни вужудга келтиради. Бу туйғу жамоат туйғуларига таъсир эта олмайди ва унинг фикрини уйғотишдан ожиз қолади. Ҳизб шахсларнинг туйғуларига таъсир этиш учун жамоатда тўла туйғуни вужудга келтиради. Бу туйғу уларга таъсир этиб, фикрларини тўлиқ уйғотишга қодир бўлади.

12. Бу босқичда бутун жамият ҳизб учун катта мактаб эканлигини ва шу билан бирга мактаб билан ҳизбнинг сақофий ҳалқалари ўртасидаги кескин фарқни унутмаслик лозим.

Бутун жамият ҳизбнинг мактаби эканлигини шунинг учун унутмаслик лозимки, ҳизбнинг бу даврдаги вазифаси соғлом эътиқодлар уйғотиш ва тўғри тушунчалар пайдо қилишдан иборатдир. Бунинг учун, албатта, мактаб асосидаги фаолият зарур. Ҳизбнинг мабдаси - муаллим, сақофати - ўрганиладиган дарслик бўлади. Бу мабда ва сақофат мабда гавдаланган кишиларда намоён бўлади. Улар жамиятдаги бевосита устозлардир. Маҳаллий жиҳозлар ва уларнинг ҳалқалари синфхоналар, бутун жамият эса мактаб бўлади. Мактаб асосидаги бундай фаолият ҳизбга аъзо бўлиб, унинг тушунчаларини қабул қилган кишилардан чуқур ўрганиш, тўғри тушуниш, ҳизб сақофатини доимий равишда муҳокама этиш, у қабул қилган дастур, муҳим аҳкомлар ва умумий қоидаларни ёдда тутишни тақозо этади. Бунинг учун мактаб асосидаги ўрганиш лозим бўлади. Шунинг учун ҳизбга кираётган ҳар қандай киши билан шуғулланишда - унинг олий маълумотли ёки ўрта маълумотли бўлиши ёки тарбия олишга лаёқати бор-йўқлигидан қатъий назар - шу жиҳатга катта аҳамият бермоқ лозим. Ҳар қандай шахс билан шуғулланишда бу сақофатга бепарво қараш - гарчи у ҳизбга аъзо бўлса ҳам - шахсни ҳизб ташқарисида қолдириб қўяди. Гоҳо бундан умумий жиҳозга зарар етиб қолади.

Ҳизб бу босқичда ҳизбий сақофат билан тарбияланган шахслар етишиб чиқмасдан туриб, амалий фаолиятга киришмаслиги лозим. Шунинг учун бу босқич фақат сақофат босқичидир.

Мактаб ва ҳизб ўртасида сақофатдаги фарқни шунинг учун унутмаслик лозимки, ҳизбий сақофат мактаб сақофатига айланиб қолмасин. Акс ҳолда ҳизб ўз фаоллигини йўқотади. Шунинг учун ҳизбий сақофатда ҳизбга мансуб киши билан назарий жиҳат ўртаси тўсиб қўйилмоғи ҳамда ҳизбий сақофат - тушунчаларни ўзгартириш, ҳаёт майдонида амалга ошириш ва уммат орасида фикрий етакчиликни ёйиш учун эканини доимо ёдда тутмоқ лозим. Ҳизбий сақофат эгаси назарий жиҳатга шўнғиши жоиз эмас. Агар у илмга эҳтиёж сезса, унинг ўрни

ҳизб эмас, мактабдир. Сақофатда назарий жиҳатга шўнғиш хатарлидир, зеро у амалийлик хусусиятини йўқ қилади ва ҳизбнинг иккинчи босқичга ўтишини кечиктиради.

13. Иккинчи босқич - умматга таъсир қилиш босқичи. У кураш ҳамроҳ бўладиган босқичдир. У нозик босқич деб эътибор қилинади. Ундаги муваффақият ҳизбнинг тўғри ташкил этилганига далилдир. Муваффақиятсизлик эса унда тузатилиши лозим бўлган камчилик мавжудлигидан далолат беради. У ўзидан аввалги босқичга таянади. Шунинг учун биринчи босқичдаги муваффақият иккинчи босқичдаги муваффақият учун асосий шартдир. Лекин биринчи босқичдаги сақофий жиҳатдан эришилган муваффақиятнинг ўзи иккинчи босқичда муваффақият қозонишга кифоя қилмайди. Балки сақофий муваффақият одамлар орасида маълум бўлиши, яъни одамлар жамиятда даъват мавжуд, ҳизб аъзоси ҳақида у даъват олиб боряпти, деб билишлари лозим. Шунингдек, ҳалқалардаги сақофий шаклланиш даврида ва аъзоларнинг ўзлари яшаб турган жамият билан боғланиб, унга таъсир ўтказишга уринишлари мобайнида жамоий руҳ шаклланган бўлиши лозим. Улар иккинчи босқичга ўтганларида уларда жамоий тайёргарлик мавжуд бўлсин. Шунда уларнинг умматга таъсир қилиши осон бўлади.

14. Ҳизб аъзоси нафсияси ақлиясига мувофиқ келган ҳолда исломий шахсияга айланадиган суратда сақофий жиҳатдан пишиб етилгандан кейингина сақофат давридан таъсир қилиш даврига ўтади. Зеро, Расул алайҳис-салоту вас-салом: **«Сизлардан бирор киши то хоҳиши мен олиб келган нарсага тобе бўлмагунча мўмин бўлмайди»**, - деб айтганлар. Шунингдек, одамлар у ҳақида унинг исломий даъватни олиб бораётганлигини билганларидан кейин ҳамда жамоий майллар ҳалқаларда бўлиши ва жамият билан боғланиши сабабли унда узлатни йўқотадиган даражада кучайган ва унинг ўзида кўрингандан кейингина сақофат давридан таъсир қилиш даврига ўтади. Зеро, халқдан узилиш қўрқоқлик ва ноумидликнинг бир қоришмаси бўлиб, бундай иллат жамият ва шахслардан таг томири билан йўқотилиши лозим.

15. Ҳизб сақофат давридан таъсир қилиш даврига табиий равишда ўтади. Шундай табиий ўтадики, агар ўз вақтидан илгари ўтишни хоҳлаганда ҳам ўта олмаган бўлар эди. Бунинг сабаби шундаки, сақофат даврида «бошланиш нуқтаси» такомиллашади, зеро сақофат мабдани шахсларда гавдалантириб, жамиятни даъват ва мабдани очиқ сезадиган қилиб қўяди. Қачонки шахсларда мабдани гавдалантириш, яъни уларнинг дилларига экиш ва жамиятда мабдани ҳис қилиш тўла тамомига етса, даъват «бошланиш нуқтаси»дан ўтиб, «ҳаракат нуқтаси»га кўчиши лозим бўлади. Ҳизб ҳаракат нуқтасида юришни бошлаши учун умматга хитоб қилишни бошламоғи зарур. Умматга хитоб қилишни бошламоғи учун аввало хитоб қилишга уринишдан бошламоғи зарур. Агар бунда муваффақият қозонса, умматга бевосита хитоб қилишга ўтади. Хитоб қилишга ҳаракат қилиш ҳалқалардаги тартибли сақофат, мумкин бўлган жойларда одамларга жамоий сақофат билан ҳамда мустамлакачилик

режаларини очиб ташлаш ва уммат манфаатларини белгилаш билан бўлади. Ҳизб шу тўрт ишда муваффақият қозонса, умматга хитоб қилишга ўтиб, табиий равишда ҳаракат нуқтасига кўчади. Унинг ҳаракат нуқтасига шу тарзда ўтиши уни сақофат даври - биринчи босқичдан таъсир қилиш даври - иккинчи босқичга табиий равишда кўчиради ва умматга таъсир қилишни ўз вақтида табиий равишда бошлайдиган қилади.

16. Умматга таъсир қилиш ҳизб ўз вазифасида муваффақият қозониши учун зарурий ишдир. Чунки уммат орасида ҳизб аъзолари ҳар қанча кўп бўлмасин, улар уммат билан бирикмас эканлар, ҳар қанча етук бўлсалар ҳам уммат улар билан бирга юрмас экан, ўзлари ёлғиз ҳеч қандай иш қила олмайдилар. Улар умматга таъсир қилсалар ва бу таъсир қилишда муваффақият қозонсалар, шундагина умматни бирга фаолият кўрсатишга етаклашлари ва уммат улар билан бирга юриши мумкин бўлади. Умматга таъсир қилиш одамларни ўз атрофларига тўплай олиш дегани эмас. Балки таъсир қилишдан мақсад ҳизб мабдаси уммат мабдаси бўлиб қолиши учун умматга мабдани тушунтиришдир. Чунки мабданинг асли, яъни Ислом умматда мавжуд. Зеро, умматнинг сезгилари ҳизб тузилаётган сараланган гуруҳда тиниқлашган фикрга айланган. Ва бу сезгилар (яъни, фикр ва муайян ғоя учун амал) қондаси мабданинг ҳақиқий ифодаси бўлди. Шунинг учун мабда, яъни Ислом умматнинг ички сезгиси бўлиб, ҳизб айни шу сезгини ифодаловчи бўлади. Агар ҳизбнинг ифодаси гўзал, тили раван ва сўзи тўғри бўлса, уммат мабдани тезда тушуниб, ҳизб билан бирикади ва шунда бутун уммат ҳизб деб эътибор қилинади. Сараланган гуруҳ эса ҳизбий уюшма орқали ҳаракат етакчилигини, яъни уммат ҳизб етакчилигидаги учинчи босқич - мабдани ҳокимият орқали инқилобий равишда татбиқ этиш томон олиб бораётган ҳаракат етакчилигини ўз зиммасига олади. Ҳизбий гуруҳ ҳокимиятни «Ҳокимият - фикратни ижро қилишнинг ягона тариқати, яъни мабданинг бир қисми», деган эътиборда олади.

Лекин бу таъсир қилиш йўлида бир қанча қийинчиликларга дуч келинадики, уларни енгиш учун уларни билиш ва табиатини тушуниш зарур. Улар кўп бўлиб, муҳимлари қуйидагилардан иборат:

а) Мабданинг жамиятда татбиқ этилаётган қонунларга зид келиши.

Ҳизб мабдаси мавжуд жамиятга нисбатан ҳаёт учун янги қонундир. У жамиятга татбиқ этилаётган ҳамда ҳокимлар одамларни бошқараётган қонунларга зиддир. Шунинг учун улар бу мабадада ўзларига ва ўз вужудларига хатарни кўрадилар. Албатта унга қарши чиқиб, турли воситалар билан - қарши ташвиқотлар қилиш, даъват ёювчиларни таъқиб этиш, моддий воситалар қўллаш билан курашадилар. Шу сабабдан даъват ёювчилар - ўз мабаларига даъват этиш орқали умматга таъсир қилиш учун ҳаракат қилаётиб - имкони борича озорлардан сақланишлари, даъватни баён қилиш орқали адаштирувчи ташвиқотлар билан курашмоқлари ва бу йўлда барча машаққатларга бардош бермоқлари зарур.

б) Қийинчиликлардан бири - жамиятда турли сақофатлар мавжуд бўлиши.

Жамиятда турли сақофатлар мавжуд. Умнат ҳар хил фикрларга эга. Лекин умнатда бир хил сезги мавжуддир. Турли сақофатлар, хусусан, мустамлакачилик сақофатлари шу сезгиларнинг тескари ифодасидир. Мабда сақофати, яъни исломий сақофат эса умнат сезгиларининг тўғри ифодасидир. Бироқ, жамиятда сақофат борасидаги жамоатчилик фикри, мактаб ва бошқа ўқув юртларидаги таълим-тарбия дастурлари ва булардан ўзга сақофат тарқатадиган жойлар ажнабий сақофатга мувофиқ юради. Шунингдек, барча сиёсий ва таълим-тарбия ҳаракатлари ҳам айни шу сақофатга мувофиқ юради. Шунинг учун ҳизб ўз сақофати билан бошқа сақофат ва фикрларга қарши кураш даврига кирмоғи зарур. Токи умнат олдида унинг ҳис-туйғуларининг тўғри ифодаси намоён бўлиб, умнат шу ифода билан бирга юрсин. Шунга кўра, бу даврда ҳизб сақофати ва фикри билан бошқа сақофат ва фикрлар ўртасида тўқнашув бўлиши табиийдир. Бу умнат фарзандлари ўртасидаги тўқнашувдир. Шунинг учун бу тўқнашув натижасиз мунозара кўринишини олмайди, балки ҳизб жамоаси эгри чизиқ олдида тўғри чизиқ чизиш тариқатидан юради, ҳақиқатни кўрмайдиган ва эшитмайдиган қилиб қўювчи худбинликка олиб бормаслиги учун натижасиз мунозарага асло киришмайди. Ҳизб ўзининг фикрларини тушунтириб беради. Бошқа сақофат ва фикрларнинг сафсата ва таги пуч ҳамда натижалари хатарли эканлигини очиб ташлайди. Шу вақтда умнат ўзга сақофат ва фикрлардан юз ўгириб, ҳизб сақофати ва фикрларига юзланади. Шунингдек, бу сақофат ва фикрларнинг пучлигини билгач, уларнинг эгалари ҳам - агар онгли, холис ва софдил бўлсалар - ўз сақофат ва фикрларидан қайтадилар. Лекин бу фаолият ҳизб учун энг машаққатли фаолиятлардан биридир. Шунинг учун умнатга таъсир қилишни юзага келтириш ажнабий сақофат кўп тарқалган жойларда - кам тарқалган жойлардагига нисбатан - қийинроқ кечади. Уйғониш лаёқати ажнабий сақофат билан тарбияланган «зиёли» кишилар кам бўлган жойларда - бундай кишилар кўп бўлган жойлардагига нисбатан - ортиқ бўлади. Шунинг учун ҳизб бирор жамоатга таъсир қилиш учун ҳаракат қилар экан, шу жамоатга муносиб тарзда ҳаракат қилиш учун уни яхши тушуниб олмоғи лозим.

в) Қийинчиликлардан яна бири умнат орасида реалист (воқеий, воқеепараст шахс)лар мавжудлиги.

Зеро, ажнабий сақофат, ажнабийнинг заҳарлаши ва жаҳолат туфайли умнат орасида реализм (воқеийлик)ни акс эттирувчи икки гуруҳ мавжуд:

Биринчиси - воқега ва унга рози бўлишга ҳамда уни қутулиб бўлмайдиган иш сифатида тан олишга даъват этувчи реалист (воқеий)лар гуруҳи. Бу гуруҳ воқени фикрлашнинг манбаи қилиб, муаммолар ечимини ундан олади. Бу қийинчиликни енгиш йўли шу гуруҳ билан чуқур баҳсга киришишдир, токи у воқени ўзгартирмоқ учун воқени фикрлаш майдони қилиб олиш зарурлигини кўрсин ва идрок этсин. Шундагина у ўз фикридан қайтиши мумкин.

Иккинчиси - ёруғлик-нурда яшашдан бош тортадиган жаҳолатпарастлар гуруҳи. Негаки бу гуруҳ вакиллари зулматда яшашга, таги пуч ва юзаки ҳаётга кўникиб қолишган. Улар ҳам жисмоний, ҳам ақлий танбалликка мубтало бўлиб, ота-боболарида кўрган эски урф-одат ва эътиқодларга улар эски бўлгани учунгина ёпишиб олишган. Шунинг учун улар ҳақиқий реалист-воқепапарастдир, зеро улар воқедан келиб чиққан ва фикран қотиб қолган кишилардир. Табиийки, улар кўпроқ меҳнат талаб этади. Бу қийинчиликни енгишнинг йўли уларни тарбиялашга ҳаракат қилиш ва тушунчаларини тўғирлашга қаттиқ уринишдир.

г) Даъват олдида тўсқинлик қиладиган қийинчиликлардан яна бири - одамлар ўз манфаатлари билан машғул бўлишлари. Зеро, инсон ҳаётда шахсий манфаатлари ва кундалик ишлари билан шуғулланади ва айни чоғда мабда ҳақида ҳам бош қотиради. Гоҳида бу манфаатлар мабдага даъват қилишга қарама-қарши бўлиб кўринади. Шунинг учун инсон бу иккиси ўртасини мувофиқлаштиришга уринади. Бу қийинчиликни енгиш йўли - мабдани қабул қилган ҳар бир шахс ҳизб ва даъват ишларини доира маркази қилиб, шахсий манфаатларини шу марказ атрофида айлантириши лозим. У даъватга қарама-қарши бўлган, даъватдан чалғитадиган ҳамда даъватга тўсқинлик қиладиган ҳар қандай иш билан шуғулланмаслиги лозим. Шунда у даъватни манфаатлар атрофида эмас, балки манфаатларни даъват атрофида юрадиган ҳолатга чиқарган бўлади.

д) Даъват йўлида тўсқинлик қиладиган қийинчиликлардан яна бири - Ислом йўлида, унинг даъватини ёйиш йўлида дунё ҳаёти ишларини, яъни мол-дунё, савдо ва шу кабиларни фидо қилиш. Бу қийинчиликни енгмоқ учун мўмин кишига «Аллоҳ Таоло мўминлардан ўзларию молу дунёларини жаннат эвазига сотиб олган»лиги эслатилади. Шу билан кифояланиб, у дунё ҳаёти ишларини фидо қилишда ўз ихтиёрига ташлаб қўйилади ва ҳеч бир ишга мажбур этилмайди. Расул алайҳис-салоту вас-салом Тоиф ва Макка оралиғидаги Нахла деган жойда Қурайшни пойлаш учун Абдуллоҳ ибн Жаҳшни бошлиқ қилиб сарийя юбораётганларида унга мактуб ёзиб бердилар. Мактубда жумладан шундай дейилган эди: **«Шерикларингдан ҳеч кимни ўзинг билан бирга юришга мажбур этма ва буйруғимни адо этиш учун кўнгиллилар билан йўлни давом эттир».**

е) Гоҳида кишига жамиятлардаги маданият даражасининг ҳар хил бўлиши ҳам қийинчиликлардан биридир, деган хаёл келади. Зеро шаҳар, қишлоқ ва чўл шароитлари ҳар хил бўлгани туфайли шаҳардаги маданият қишлоқ маданиятидан, қишлоқ маданияти эса чўл маданиятидан фарқли бўлади. Шунинг учун маданият шаклларидаги бундай фарқ сабабли ҳизб учун тарбиялашда ёки мабда асосида йўналтиришда фарқ бор, деган нарсга хаёлга келади. Бу жуда ҳам хатарлидир, негаки маданий шакллар умматда қанчалар паст ёки баланд бўлмасин, у сезгиси ва мабдаси бир хил бўлган битта **УММАТДИР**. Шунинг учун даъват уммат орасида бир хил бўлади, қишлоқ ва шаҳар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Демак, умматга таъсир қилиш учун иш олиб бориш бир хил бўлади.

17. Ҳизб ушбу боққич - умматга таъсир қилиш боққичида иккита хатарга - мабдага келадиган хатар ҳамда табақаларга бўлиниш хатарига дуч келади.

Мабдага келадиган хатар жамият оқимидан, жамиятнинг шошилини талабларига жавоб беришга қизиқишдан ҳамда жамият раъйларидаги мавжуд чўкиндиларнинг ҳизб фикратига устун келишидан пайдо бўлади

Бунинг сабаби шуки, ҳизб жамиятдаги ҳаётга шўнғир экан, таъсир қилиш учун, етакчилик қилиш учун халқ билан боғланади. Ҳизб ўз мабдаси билан қуролланган бир вақтда, халқда эски ва реакцион (қолоқ) фикрлар, ўтган аждодлардан мерос бўлиб қолган тушунчалар ва хатарли ажнабий фикрлар ҳамда мустамлакачи кофирга кўр-кўрона тақлид қилишлар мавжуд бўлади. У халққа таъсир қилишга киришар экан, унга ўз раъй ва фикрларини беради, ўз тушунчалари билан унинг тушунчаларини тузатиш, унда исломий ақидани уйғотиш, соғлом муҳит ва тўғри урфи оммни пайдо қилиш учун қаттиқ ҳаракат қилади. Бунинг учун даъват ва тарғибот ишларини олиб бориш лозим, токи ҳизб умматда мабдага иймонни кучайтирадиган, ҳизб тушунчаларига ишонч ва ўзига ҳурмат-эътибор пайдо қиладиган ҳамда умматни итоат ва амалга ундайдиган суратда умматни ўз атрофида мабда асосида жамласин. Мана шу вақтда ҳизб уммат орасида ишончли мўмин йигитларини кўпайтириши лозим, негаки улар уммат тизгинини қўшиндаги зобитлар каби ушлаб турадилар. Агар ҳизб шу «таъсир қилиш боққичи»да муваффақият қозонса, умматни мабдага мувофиқ равишда ўз ғояси сари етаклайди ва карвоннинг йўлдан оғиб кетишидан хотиржам бўлади.

Аммо ҳизб - халққа тўла таъсир қилиш ҳосил бўлмасдан, уммат орасида мабда ҳақида умум онг пайдо бўлмасдан туриб халқни етакласа, халқни мабданинг фикрлари ва аҳқомлари билан эмас, балки умматнинг кўнглидаги нарсаларни жонлантириш, туйғуларини қўзғаш ҳамда талабларини қўз олдиларига келтириб тасвирлаш билан етакчилик қилган бўлади.

Лекин бундай ҳолатда халқдаги ватанпарвар-лик, миллатчилик ва руҳонийлик каби аввалги туйғулар йўқолиб кетмайди. Уларни жамойй ҳолатлар қўзғаб, халқда табақачилик ва мазҳабчилик каби ҳайқиреқлар, мустақиллик ва озодлик каби чириган фикрлар ҳамда ирқчилик ва уругчилик каби бузуқ наъраларни юзага чиқаради. Натижада ҳизб билан халқ ўртасида зиддият вужудга келади. Чунки халқ ўзининг мабдага зид бўлган талабларини қўяди, умматга зарарли бўлган вақтинчалик ғояларини олға суради. Бу талаблар учун жон куйдиради, уларни рўёбга чиқариш учун тўс-тўполон қилади, шовқин-сурон кўтаради ва унда бир неча наъралар намоен бўлади. Ҳизб бундай ҳолатда икки ўт орасида қолади. Биринчиси - умматнинг ўч ва ғазабига ҳамда жамият устидан ўрнатган ҳукмронлигини бой беришга дучор бўлиш. Иккинчиси - мабдадан четланиб, ён беришга дучор бўлиш. Бу иккисида ҳам ҳизбга хатар бор. Шунинг учун ҳизб кишилари халқ мабда билан қарама-қарши келган вақтда умматнинг қаҳру ғазоби ва озорига йўлиқсалар ҳам, мабда

йўлидан оғмасдан, уни маҳкам ушламоқлари лозим. Зеро, у ўткинчи қаҳру ғазабдир. Мабдада собитқадам бўлиш билан улар қайтадан уммат ишончига сазовор бўладилар. Мабдага зид иш тутиб, ундан зиғирча бўлса ҳам оғишмоқдан эҳтиёт бўлсинлар! Зеро, ҳизбнинг ҳаёти ҳам, боқийлигининг кафолати ҳам мабдадир. Ҳизб бундай оғир ҳолатларга тушмаслик учун ва бундай хатарни бартараф этиш учун умматни ўз мабдаси билан сўғоришда, ҳизб фикрлари ва тушунчаларининг равшанлиги ва тиниқлигини сақлашда ҳамда шу фикр ва тушунчалар муҳитининг умматга ҳукмрон бўлиб қолиши учун ишлашда қаттиқ ҳаракат қилмоғи лозим. Мазкур ишлар энгил кечиши учун сақофат даврига алоҳида эътибор қаратмоқ, жамой сақофатга аҳамият бермоқ, мустамлакачилик режаларини нозиклик билан фош қилишда қаттиқ ҳаракат қилмоқ, уммат ва унинг манфаатларидан доимо огоҳ турмоқ, умматни мабда ва ҳизб фикрларида тўла эритмоқ, ҳизбнинг фикр ва тушунчаларини тиниқ сақлаб қолиш учун уларни доимо текшириб турмоқ ҳамда буларнинг барчасида - улар қанчалар меҳнат ва ҳаракат талаб қилса ҳам - бор имкониятни сарф этмоқ зарур.

Табақаларга бўлиниш хатари эса умматга эмас, ҳизб кишиларига тааллуқлидир. Ҳизб умматни ёки унинг кўпчилик қисмини ташкил этган вақтда катта обрў-эътиборга эга бўлиб, оммаю хосса ҳурматиغا сазовор бўлади. Гоҳо бундай обрў-эътибор, ҳурмат дилларда ғурур пайдо қилади ва ҳизб йигитлари: «Биз умматдан улўғроқ кишилармиз, бизнинг вазифамиз унга етакчилик қилиш, умматнинг вазифаси эса етакланиш», - деб ўйлай бошлайдилар. Шунда улар ўзларини умматдан ёки айрим кишилардан юқори тутадилар, бунинг моҳиятини ўйламайдилар. Агар шу ҳол бир неча марта такрорланса, уммат ҳизбни ўзидан бошқа табақа, деб ҳис қила бошлайди. Шунингдек, ҳизб ҳам табақачиликни ҳис қила бошлайди. Бундай ҳис этиш ҳизб емирилишининг бошланишидир. Чунки бу ҳис ҳизбнинг халқ орасидаги оддий кишилар ишончига бўлган эътиборини сусайтиради ҳамда халқнинг ҳизбга бўлган ишончини заифлаштиради, натижада уммат ҳизбдан юз ўғира бошлайди. Қачонки уммат ҳизбдан юз ўғирса, ҳизб емирилади ва қайтадан уммат ишончини қозониш учун эндиликда икки-уч баробар ортиқ меҳнат қилишга мажбур бўлади. Шунинг учун ҳизб кишилари умматнинг оддий кишиларидек бўлишлари, ўзларини умматга хизмат қилувчи деб, ҳизбий бурчлари умматга хизмат қилишдан иборат, деб билишлари лозим. Зеро, шундай қилиш ҳизб кишиларида ҳимоя қуввати (иммунитет)ни пайдо қилади ва уларга халқ ишончининг давом этишидагина эмас, балки учинчи босқич - мабдани ижро қилиш учун ҳокимиятни қўлга олганларида ҳам фойда беради. Сўнгра, мабдани ижро этиш энгил кечиши учун улар - ҳоким бўлган ҳолларида ҳам - умматга хизмат қилишда давом этадилар.

18. Учинчи босқич - ҳокимиятга етиш босқичи. Ҳизб ҳокимиятга уммат ва талаби нусрат (ёрдам талаб қилиш) ишлари орқали етади ва мабдани бирданига ижро қилади. Инқилобий тариқат деб номланган нарса шудир. Бу тариқат ҳокимиятда қисман иштирок этишни қабул қилмайди, балки

ҳокимиятни тўла қўлга олиб, уни гоё қилиб эмас, балки мабдани татбиқ этишнинг тариқати қилиб олади. Ҳизб исломий мабдани инқилобий равишда ижро қилади. Вазиятлар қандай бўлишидан қатъий назар, тадрижийлик (босқичма-босқичлик) тариқатини қабул қилмайди.

Бу тариқат мабдани тўла ва умумий равишда татбиқ этгач, исломий даъватни ёйиш лозим бўлади. Давлат ўз бюджетида даъват ва тарғибот учун алоҳида фонд (жамғарма) белгилаб, даъватни халқаро жиҳатдан ёки шароит тақозосига кўра ҳизбий жиҳатдан олиб боришни бошқаради. Ҳизб ҳокимиятга етса ҳам ҳизб сифатида қолади, унинг жиҳози ҳам ўз ўрнида қолади, бунда аъзоларининг ҳокимият курсида бўлиш-бўлмаслигининг эътибори йўқдир. Ҳокимият - ҳизб мабдасини давлат орқали ижро қилиш учун ҳамда оламнинг барча қитъаларида ижро қилиш йўлида ҳаракат қилиш учун биринчи амалий қадам, деб эътибор қилинади.

Булар - ҳизб ўз фикратини амалий даврга чиқариш учун ҳаёт майдонида босиб ўтадиган қадамларидир. Бошқа ибора билан айтганда, ҳизб исломий ҳаётни қайтадан бошлаш билан мабдани ҳаёт майдонига кўчириш, жамиятни уйғотиш ҳамда даъватни оламга ёйиш учун босиб ўтадиган қадамларидир. Бу вақтда ҳизб амалий даврни бошлайди. Бу - ҳизбнинг юзага келишига сабабчи бўлган даврдир. Шунга биноан, ҳизб - исломий давлат барпо бўлиши, унинг боқий қолиши ва Ислом татбиқ этилиши, тўғри татбиқ этилиши ва бу татбиқнинг давомли бўлиши ҳамда исломий даъватнинг оламга ёйилиши учун ҳақиқий кафолатдир. Зеро, ҳизб давлатни барпо қилгач, уни назорат қилувчи, муҳосаба қилувчи ва у билан муноқаша қилиш учун умматга етакчилик қилувчи ва айни чоғда Ислом юртларида ва оламнинг бошқа ерларида Ислом даъватини олиб борувчи бўлади.

